O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **27** апрель, жума № **17** (2196).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **27** апреля, **2007** год, № **17** (2196).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу - цена договорная

Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди.

– Украина ҳукумати аъзолари ва йирик ишбилармонлардан иборат делегациянинг ташрифи мамлакатингизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлигидан яна бир далолатдир, – деди Ислом Каримов. – Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги муносабатлар икки томон учун ҳам самарали бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммо, англашилмовчилик бўлмаган. Ўзаро ҳамкорлигимизга турли воқеалар дахл қилмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲнинг 2006 йил ноябрдаги Минск саммити доирасида Украина Президенти Виктор Ющченко билан, ўша йилнинг августида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Сочи шаҳридаги норасмий саммити чоғида Бош вазир Виктор Янукович билан учрашувларида алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашди. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида Киевда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон–Украина қўшма комиссиясининг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999–2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури асосида ривожланмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичлари 2006 йилда ҳамкорлик кўлами ва суръати жадал юксалаётганидан далолат беради. Бу борадаги кўрсаткич 2005 йилда 330,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 615,3 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда қирққа яқин Ўзбекистон–Украина қўшма корхонаси, Украинадаги 12 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси очилган. Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 26 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси билан Украинанинг қатор илмий муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-текшириш институти билан Украинанинг бир неча тиббий муассасаси ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Киевда «Дўстлик» маданий-иқтисодий жамияти, «Ўзбекистон» ўзбек маданияти жамияти фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда эса «Славутич», «Батькившчина» украин маданияти марказлари иш юритмоқда.

2002 йили Тошкентда очилган атоқли украин адиби Тарас Шевченконинг ҳайкали ҳам ўзбек ва украин халқлари дўстлигининг ёрқин намунасидир.

В.Янукович Украина Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни икки томоннинг салоҳият ва имкониятлари даражасига кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Комиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Эр йигит — юрт таянчи!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Аввало, Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти – «Жасорат» медали билан тақдирланиш шарафига муяссар бўлганим учун Сизга самимий миннатдорлик ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сизнинг ажойиб мамлакатингизни зиёрат қилиш мен ва «Universum-box promotion» клуби делегацияси аъзолари учун катта шараф бўлди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги барчамизда унутилмас таассурот қолдирди.

Мен, Муҳаммад Али, Майк Тайсон, Теофило Стивенсон, Феликс Савон каби замонамизнинг машҳур чемпионлари билан яқин таниш бўлган ва умрининг 30 йилдан кўпроғини боксга бағишлаган мутахассис сифатида, Ўзбекистон янги бокс мамлакатига айланиб бораётганини доимо катта қизиқиш билан кузатиб келаман.

Тошкентга ташрифимиз асносида Ўзбекистонда спорт давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигига гувоҳ бўлдик. Жаноби Олийлари, дунёда боксни ривожлантиришга шахсан катта эътибор берадиган Сиздек давлат раҳбарлари кам.

Ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун кечган жангда Руслан Чагаев ёрқин ғалабага эришганининг асосий сабабларидан бири унинг ўз Ватани – Ўзбекистонга бўлган беқиёс муҳаббати эканини чуқур ҳис қилдим. Машқлар ва мусобақалар жадвали ўта тиғиз бўлишига қарамасдан, Руслан ҳар йили бир неча бор жонажон Андижонига бориб келишга фурсат топади.

Яқинда Сиз билан бўлиб ўтган учрашувимиз чоғида айтилганидек, «Universum-box promotion» клуби ва шахсан ўзим Ўзбекистонда профессионал спортни ривожлантириш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Биз Ўзбекистон томонининг Тошкентда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан чемпионликка даъвогар номзодлардан бири ўртасида бокс мусобақасини ўтказишга оид жаҳоншумул лойиҳани «Universum-box promotion» билан биргаликда амалга ошириш борасидаги азми қарорини ҳам юксак қадрлаймиз. Бу ажойиб лойиҳанинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва беқиёс кўмагига боғлиқдир.

Биз Ўзбекистонда боксни ривожлантириш йўлида самарали ҳамкорлик ўрнатилганидан беҳад мамнунмиз. Ҳозир Русланнинг айни кучқувватга тўлиб, руҳий-маънавий етукликка эришган пайти. Сиз билан бўлиб ўтган унутилмас учрашув эса янги марраларни забт этишда унга улкан ғайрат-шижоат бахш этади.

Ишончим комилки, Руслан Чагаев ҳали узоқ йиллар ўзининг ажойиб ғалабалари билан бизни хушнуд этади, Ўзбекистон ва клубимизнинг шон-шуҳратини янада юксалтиришга хизмат қилади. Унинг номи эса жаҳон бокс тарихига олтин ҳарфлар билан битилади.

Камоли эҳтиром билан,

Клаус-Петер КОЛЬ,
«Universum-box promotion»
профессионал бокс клуби промоутери.

ПРЕЗИДЕНТ ВЫРАЗИЛ СОБОЛЕЗНОВАНИЕ

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов 25 апреля посетил посольство Российской Федерации в нашей стране.

Ислам Каримов от имени народа и правительства Узбекистана выразил глубокое соболезнование российскому народу и правительству в связи с кончиной первого президента Российской Федерации Бориса Ельцина. Обладавший высоким интеллектом и богатым опытом, Борис Ельцин, с именем которого связан новый этап становления независимого российского государства, 23 апреля скончался от сердечной недостаточности.

Президент Ислам Каримов оставил в Книге соболезнований слова глубокого сочувствия. В беседе с Чрезвычайным и Полномочным Послом России в Узбекистане Фаритом Мухаметшиным отметил, что Узбекистан и в радостные, и в трудные дни был вместе с Россией и сегодня разделяет ее горе.

(УзА).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

Руслан ЧАГАЕВ:

ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

Ўзбекистоннинг ва ўз номини жаҳон спорти тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битган ватандошимиз, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 20 апрель куни мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдаста қўйди.

(Давоми 8-бетда).

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Украина Бош вазири Виктор Януковичнинг мамлакатимизга ташрифи бу ҳамкорликни кўплаб йўналишлар бўйича янада кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Украина Бош вазири Виктор Янукович билан музокаралари бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Украинага ва Украина Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифлари чоғида асос солинган. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги икки ҳужжатда – 1998 йил февралидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда 1999 йил 7 октябрда имзоланган 1999–2008 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўзаро манфаатли муносабатларнинг узоқ муддатли стратегияси белгиланган. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан бери ўтган 15 йил мобайнида 150 га яқин ҳужжат имзоланди. Бугун ҳар томонлама манфаатли Ўзбекистон–Украина алоқалари савдо-иқтисодий, маданий, илмий, таълим, туризм соҳаларида ривожланмоқда. Уларни чуқурлаштириш истиқболлари яқинда Киевда ўтказилган Ўзбекистон–Украина ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Тошкентдаги ҳукуматлараро музокараларда таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Эркин савдо режимида амалга оширилаётган товар айланмаси мунтазам ортиб бормоқда. Жумладан, 2006 йил якунларига кўра, у 615,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2005 йилдагидан 86 фоиз кўп, жорий йилнинг икки ойи давомида эса 80 миллиондан ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган миллий иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон хорижга катта ҳажмда қайта ишланган тайёр маҳсулот, турли юқори технологик товарлар ва механизмларни етказиб бермоқда. Жумладан, Украинага нафақат энергия манбалари ва пахта толаси, ёғ уруғлари ва мевалар, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балки рангли металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, хизматлар ва транспорт воситалари экспорт қилинаётир. 2002 йилдан бери Украинага «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилган 10 мингдан ортиқ автомобиль сотилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Украинадан механик ускуналар, қора металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, фармацевтика маҳсулотлари, электр ускуналари, транспорт воситалари, қоғоз, каучук, резина буюмлари ва бошқа товарларни импорт қилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ва тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Мамлакатимизда 40 га яқин Ўзбекистон–Украина қўшма корхонаси рўйхатга олинган. Улар, асосан, озиқ-овқат, мебель, тўқимачилик, кимё саноати, қурилиш соҳасига ихтисослашган. Украинанинг 12 та фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинган. Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида 26 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда, экспорт, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

Музокаралар давомида томонлар барча йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдирдилар. Инвестициявий ҳамкорлик кенгайтирилади, мамлакатимиздан жўнатилган юкларни Украина ҳудуди орқали транзит қилиш учун транспорт йўлакларидан янада самарали фойдаланиш бўйича ишлар давом эттирилади. Савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришдан ташқари бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Фанлар академияси, унинг бўлинмалари ва Украинанинг тегишли муассасалари, фан ва соғлиқни сақлаш соҳасига ихтисослашган бошқа ташкилотлар ўртасида ўрнатилган бевосита шериклик алоқалари доирасида икки томонлама ва халқаро илмий лойиҳаларда биргаликда қатнашиш имкониятларини кенгайтиришга келишилди.

Музокаралар якунига кўра, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шу куни ўтказилган Ўзбекистон ва Украина ишбилармон доираларининг бизнес-форумида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари батафсил кўриб чиқилди. Янги қўшма корхоналар, жумладан, Ўзбекистонда Украина технологиялари асосида тракторлар, бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси ва нефт-газ ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш белгиланди. Металлургия, машинасозлик ва бошқа тармоқлар бўйича ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланади, янги шартномалар имзоланади.

Украина делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шунингдек, меҳмонлар 2002 йилда Тошкентда ўрнатилган буюк украин шоири Тарас Шевченко ҳайкали пойига ҳам гул қўйди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ИФТИХОРИМИЗНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Ватаннинг Байроқ, Мадҳия, Герби каби муқаддас рамзлари сингари олий унвон, орден ва медаллари ҳам юрт мустақиллиги, шон-шавкати тимсолидир. Бундай тимсолларда мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари, маданий-маънавий мероси ўз аксини топади.

(Давоми 8-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

УЗИЛГАН ҲАР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС

Азим пойтахтимизнинг юраги, гўзал ва бетакрор маскани бўлмиш Мустақиллик майдонига туташ зиёратгоҳдан йил – ўн икки ой одамлар қадами узилмайди. Айниқса, бу ер байрам арафаларида ҳар қачонгидан гавжумлашиб кетади. Қўлларида даста-даста гул билан бу ерга ошиқаётган кишилар орасида ёши бир жойга бориб қолган нуроний отахон-онахонлар ҳам, ўрта ёшлардаги инсонлар ҳам, қадамидан ўт чақнаб, кўзлари чарақлаб турган йигит-қизлар ҳам бор.

(Давоми 8-бетда).

3 СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР ҲАР БИТТА ЎҒЛОН
АЪЛОЧИЛАР ШОД-МАМНУН



4 ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ – ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ
ЁШ МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ

10 БОКС. РЕГИОНАЛЬНЫЙ ЧЕМПИОНАТ МИРА
НА ВЫСШЕЙ СТУПЕНИ – АРМЕЙЦЫ УЗБЕКИСТАНА

11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Президент Ислом Каримов 25 апрель куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Президент Ислом Каримов бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи», деб таъриф берди.

Диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача асосан пастқам иморатлар қуршаб турар, унга элтадиган кўчалар бугунги талабларга жавоб бермас эди.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган ана шу қутлуғ қадамжонинг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ноябрь ойидан бу ерда кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бугун гўзал қиёфа касб этган ушбу гўшани таниш қийин.

Ислом Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг шу йил 20 февраль куни қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорида халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган мазкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган.

Қарийб 9,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олдидан ўтадиган Кайковус ариғи тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси замонавий кўриниши билан кўзни қувнатади.

Ислом Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхонани кўздан кечирди. Мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, кутубхона ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

– Бу ердаги нодир ва қадимий китобларга бепарво, юзаки қараш мумкин эмас, – деди Президентимиз.

Юртбошимиз мажлислар зали ва иш хоналарини жиҳозлаш, илғор техникадан, бошқариш ускуналари ва коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш масаласига эътиборни қаратди.

Мажмуага туташ ҳудудда «Истиқлол» маҳалла маркази биноси қад ростлаган. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

– Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шаклланган имон-эътиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим, – деди Юртбошимиз.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъморий мажмуи улкан қурилиш майдонига айланган, айни чоғда мажмуа таркибидаги Ҳаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларда ҳам иш қизғин.

Ҳазрати Имом мажмуидаги объектларни таъмирлаш ва бу ерда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича кўзда тутилган ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз бу ердаги ишлар билан танишиш асносида, ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонини кўрар экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратди.

Мажмуада Президентимизнинг ташаббуси билан қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростламоқда. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки бутун юртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг юртдошларимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Ушбу жамғармага тушаётган маблағ мана шу мажмуани обод қилишга, янги масжид қурилишига сарфланмоқда.

Ҳа, миллий қадриятларимизни, анъана ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониятларнинг ёрқин намуналаридандир.

Ғулом МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

2007 год – Год милосердия и социальной защиты

ЛУЧШЕЕ – ДЕТЯМ

Забота о подрастающем поколении, его образовании и всестороннем развитии – дело не только Министерства народного образования, но и всех министерств и ведомств. Это хорошо видно на примере школы № 171 Мирзо-Улугбекского района, над которой шефствует Министерство обороны Республики Узбекистан.

За короткий срок в школе произошли значительные перемены. Прежде всего в плане всестороннего улучшения материально-технической и учебно-методической базы. Родители учеников говорят, что сегодня школу не узнать, настолько она преобразилась. Однако у попечительского совета школы большие планы на будущее. На днях школу посетил министр обороны Республики Узбекистан Р. Мирзаев. Он провел совещание-беседу с родительским активом и руководством школы, на котором были обсуждены пути дальнейшего тесного сотрудничества с коллективом данного учебного заведения. Глава военного ведомства ответил на многочисленные вопросы родителей и учителей.

Руководство Министерства обороны охотно поддерживает все инициативы попечительского совета по модернизации внутренней жизни школы, приведению ее в полное соответствие самым современным требованиям. На прошедшем совещании была поставлена задача вывести школу, где учатся, в основном, дети военнослужащих, в число лучших в городе Ташкенте, а в будущем – и в стране. Уже принято решение, что различные структурные подразделения Министерства обороны примут активное участие в оборудовании всех классов и учебных кабинетов в соответствии с требованиями современной педагогической науки.

С целью воспитания у учащихся гордости за свое учебное заведение предложено разработать с участием лучших модельеров школьную форму для младших, средних и старших классов. Не забыли и о внеклассном досуге школьников, о проведении с ними различных праздников, в том числе таких памятных для каждого человека, как выпускной вечер.

Без сомнения, пример Министерства обороны станет образцом для попечительской деятельности других министерств и ведомств, будет способствовать дальнейшему росту уровня образования и воспитания подрастающего поколения – строителей великого будущего нашей страны.

В. ФАЙЗИЕВ.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ЭЛНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида ўқиб юрган кезларида Энвер нуфузли илм даргоҳини аъло баҳоларга тамомлаб, келгусида ўз Ватанининг муносиб ҳимоячиси бўлишни астойдил орзу қилган бўлса ажабмас. Бугун, яъни орадан ўн уч йил ўтгач унинг номи Куролли Кучларимизнинг кўзга кўринган тажрибали, фидойи офицерлари қаторида эътироф этилмоқда. Ҳа, бугун у ўзининг етук билими, касбий маҳорати билан барчага ибрат кўрсатаётган шижоатли офицер. У бугун илғор мотоўқчилар батальони командири.

Даставвал, танкчилар взводи командири, сўнгра батальон командирининг ўринбосари лавозимларида самарали фаолият юритди. Қаерда бўлмасин, у ўз устида мустақил равишда ишлашдан, баъзан йўл қўйган камчиликларини бартараф этишдан толиқмади. Чин инсоний фазилатлари билан шогирдларининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Майор Энвер Маджитовнинг шарафли меҳнати ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Фидойи офицер «Ватан ҳимоячилари куни» арафасида Президентимизнинг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан мукофотланди.

– Мен илғорлик учун курашмайман, аксинча ўз зиммамдаги хизмат мажбуриятларини талаб қилганидек бажаришга, хатолик ва нуқсонларга йўл қўймасликка ҳаракат қиламан, – дейди у. – Ҳар бир посбон ўз бурчини бажонудил адо этса, ютуқларга эришишда муаммога ўрин қолмайди. Батальонимиз йигитлари баҳамжиҳатликда иш юритишга одатланишгани боис бўлиб ўтган синов машғулотларида ҳам улкан марраларни мардонавор забт этдилар.

Дала-ўқув майдонини аскар академияси, дея бежиз айтишмаган. Чунки, бу ерда мотоўқчи посбонлар ўқув мавсуми давомида олган назарий билим ва кўникмаларини амалда мустаҳкамлаш учун курашадилар. Қўмондонлик томонидан қўйилган ўқув-жанговар топшириқларни қойилмақом бажариш учун бор имкониятларини сафарбар этадилар. Шу боис бўлса керак, бу галги қишки ўқув мавсумининг синов машғулотларида ҳам майор Энвер Маджитов қўл остидаги ҳарбий хизматчилар юксак марраларни муносиб эгаллаб, текширувчи комиссия аъзоларининг олқишларига сазовор бўлдилар. Хусусан, катта лейтенант Адҳам Билолов, лейтенант Шерзод Умаров каби ёш офицерлар устозлари майор Маджитовнинг ишончли ёрдамчилари эканликларини ўз саъй-ҳаракатлари билан исботлашди. Кичик сержантлар – Шерзод Раббонов, Акбар Омонов, оддий аскарлар – Мўмин Зайниддинов, Бобир Шоимовлар эса ўқув-жанговар тайёргарлик бобида пешқадамларга хос юқори кўрсаткичларни намоён этиб, батальон командирининг ишончини ёруғ юз билан оқладилар.

Айни кунларда майор Энвер Маджитов синов машғулотларининг таҳлили, ундаги ютуқ ва камчиликлар устида бош қотириб, навбатдаги мавсумга режалар тузиш билан банд. Ишончимиз комилки, элнинг асл бу фарзанди келгусида ҳам мустақил юртининг корига камарбаста бўлгуси.

Майор Шуҳратбек ҲОШИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Хизмат жойим – сафарбарлик чақируви резерви

КЕНГ ИМКОНИЯТ – ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Яқинда хизмат сафари билан сафарбарлик чақируви резерви батальонларидан бирида бўлиб, уларнинг хизмат фаолиятлари билан яқиндан танишдик. Йиғин иштирокчиларига яратиб берилган шарт-шароитлар ҳар қандай инсонни қувонтириши шубҳасиз. Кенг ва ёруғ ётоқхона, замон талабларига жавоб берадиган ўқув хоналар, дам олиш ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари, тиббиёт пункти, илмий ва бадиий адабиётларга бой кутубхона, спорт шаҳарчаси ҳамда спорт зали ва тренажёри йиғин иштирокчилари ихтиёрида.

Батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини вақтинча бажариб келаётган офицер Илҳом Соҳибов қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Йигитлар ҳар бир машғулотга қизиқиш билан қарайдилар. Шунинг учун ҳам биз йиғинга малакали офицер ва сержантларни жалб қилганмиз. Улар ўғлонлар билан тактик саф, алоқа, муҳандислик, нишонга отиш, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлик каби ўқув машғулотларини юқори савияда олиб боришмоқда. Шунингдек, йиғин давомида иштирокчиларга нафақат жанговар тайёргарликлардан сабоқ берамиз, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятлари янада юксалишига катта эътибор қаратамиз. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, «Заковат», «Балли йигитлар», «Қувноқлар ва зукколар» каби танловлар ўғлонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жисмоний тайёргарлик машғулотлари ўтказилаётган спорт залида бўлганимизда гуруҳ командири катта лейтенант Даврон Давлатмуродов миллий кураш машқларини олиб бораётган экан. Унга йиғин иштирокчиси миллий кураш бўйича спорт усталигига номзод Акмал Абдураҳмонов яқиндан ёрдам бериб, миллий кураш сир-асрорларини сафдошларига ўргатмоқда. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис университетининг 3-курс талабаси бўлган Акмал спортнинг кураш, футбол каби турлари билан ёшлигидан шуғулланиб келар экан. У йиғин тўғрисида гапириб, келажакдаги ютуқларига замин тайёрлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасига кирганимизда, взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Араббой Қурбонов гуруҳ посбонларига «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат», «Ўзбекистон ва жаҳон» мавзуларида маъруза қилаётган экан. Ўқув хонаси барча зарур кўргазмали қуроллар, плакатлар ва техник жиҳозлар билан таъминланган.

– Йигитларнинг ҳарб илми билимларини пухта ўзлаштиришлари учун барча имкониятлардан кенг фойдаланяпмиз, – дейди офицер Азамат Жўраев. – Китоблар, теле-видео аппаратлари асосида олиб борилаётган машғулотлар иштирокчилар билимларининг янада ошишида муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, батальонимизда бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Ўғлонларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини янада шакллантириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта урғу берилаяпти.

Ўқ отиш хонасида ўтказилаётган машғулотни кузатиб, ўғлонларнинг қисқа вақт ичида жанговар қуроллардан фойдаланиш сир-асрорларини пухта эгаллаб, компьютер-тренажёрида нишонга бехато ўқ узаётганларининг гувоҳи бўлдик. Бунда уларга офицер Анвар Кошназаров, кичик командирлардан кичик сержантлар – Жамшид Эшқувватов, Асрор Аҳмедовлар яқиндан ёрдам бериб, ўз тажриба ва билимларини ўргатиб келмоқда.

Машғулотларни кузатиб йиғин иштирокчилари билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

Комол Қурбонов, Самарқанд шаҳридан, Тошкент давлат техника университетини тамомлаган:

– Хизматнинг бу тури жуда қулай экан, қисқа муддат ичида керакли ҳарбий билимларни эгалладик. Яратиб берилган шарт-шароитлар менга ва сафдошларимга маъқул бўлди. Бу ерда олган билимларимни олий ўқув юртидаги сабоқларим билан бойитиб, келгусида Ватанимни ҳимоя қилиш, унинг гуллаб-яшнашига, ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

Жаҳонгир Турғунов, Оқдарё туманидан, Тошкент доришунослик институтини тугатган:

– Мазкур хизмат турига олинганимдан жуда хурсандман. Бу ерда жанговар қурол-яроғ, ҳарбий техникалар тўғрисида етарли тушунча ва билимга эга бўлдим. Ўзим эса вақтдан анча ютдим. Ҳам конституциявий бурчимни ўтайман, ҳам соҳам бўйича изланишимни давом эттираман.

Азамат Эгамов, Самарқанд шаҳридан, Самарқанд Олимпиа захиралари коллежини тугатган.

– СЧРни ўтаганлар ҳам шартнома асосидаги ҳарбий хизматга олиниши мумкинлиги жуда манзур бўлди. Келажакда ҳарбий либос кийиб, шарафли касб эгаси бўлишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Служба – месяц, боеготовность – всегда

СЖИМАЯ ВРЕМЯ ДО ПРЕДЕЛА

По программе месячных сборов в батальоне мобилизационного призывного резерва молодые люди в течение отведенных на учебу часов должны пройти весь курс военной подготовки. Качественная отработка данной учебной программы при условии высокого методического мастерства военнослужащих, занятых этим процессом, позволяет до предела и максимально эффективно использовать время обучения.

Учебный взвод под командованием капитана Зафара Курбанова с полным правом можно отнести к таким подразделениям, где привлеченные на сборы молодые люди успевают за короткий срок хорошо освоить азы военного дела.

– Этому способствует и атмосфера состязательности среди подчиненных капитана Курбанова. Уже третий месяц подряд офицер удерживает первенство в батальоне, – говорит офицер Шухрат Мусаев. – Традиционно перед окончанием очередного месячного сбора у нас проводится тестирование всего привлеченного личного состава, после которого становится ясно, где сумели наиболее четко и профессионально провести работу с молодыми людьми.

Опытному офицеру помогают удерживать первенство знания и навыки, накопленные им за время службы в отдаленном гарнизоне, в отделе по делам обороны. За плечами офицера и стажировка. Конечно, не стоит сбрасывать со счетов и опору на командиров групп и секций. Так, в соревновании среди первых также держит первенство в батальоне командир группы старший лейтенант Азамат Санаев, а среди сержантского состава нет равных младшему сержанту Асрору Авазову. Выпускник окружной школы подготовки сержантов начинал здесь командиром секции, а после обучения на втором этапе в ШПС столичного округа назначен уже заместителем командира группы.

Рост престижа службы в МПР позволяет наставникам реально рассчитывать и на высокий интеллектуальный уровень привлекаемого на сборы контингента. В частности, среди молодых людей очередного набора оказалось немало обладателей университетских и институтских дипломов. Например, Джамолитдин Нарзиев из Каттакургана окончил Университет мировой экономики и дипломатии (УМЭД).

– Для нас здесь созданы оптимальные условия для изучения военного дела, – говорит он. – Вместе с этим данные сборы для меня ценны еще и прекрасной возможностью оценить особый правовой статус военнослужащих, в качестве правоведа отдать должное строгой дисциплине и безусловному соблюдению законов и требований Общевоинских уставов Вооруженных Сил.

А вот для студента первого курса филиала Южно-Российского государственного университета (ЮРГУС) Комилжона Санаева из Нарпайского района прохождение сборов в МПР запомнится выездом на полигон и стрельбами, ведь умение владеть боевым оружием является мечтой любого мужчины.

– Нам прививают настоящую культуру обращения с оружием, – рассказывает Комилжон. – На занятиях активно используется учебно-материальная база для наглядного показа по элементам. Это значительно облегчает восприятие темы.

Учителю английского языка из средней школы кишлака Жом Нурабадского района Абдулазизу Джаббарову будет о чем рассказать школьникам после возвращения со сборов.

– Оказывается, даже у меня, специалиста с высшим образованием, было поверхностное представление о реформе Вооруженных Сил, – делится своими впечатлениями Абдулазиз. – Отрадно сознавать, что национальная армия нашей страны не только оснащена самым современным вооружением и техникой, но и обладает военными кадрами высокого уровня профессионализма.

А вот будущему учителю физкультуры Сухробу Махмудову из города Челак Пайарыкского района удалось извлечь немало полезного для себя в ходе занятий по физической подготовке. Студенту дневного отделения Джизакского пединститута дала богатую информацию к размышлениям сама методика занятий, проводимых сержантами и офицерами. За такой короткий срок суметь не только привить стойкий интерес к активной двигательной деятельности, но и ощутимо накачать мускулатуру, согласитесь, очень непросто.

Уроженец Иштыханского района Самаркандской области Шерзод Киличев научился на сборах умело распределять свое время, экономно расходовать ресурсы. Студенту Самаркандского сельскохозяйственного института умение быть рачительным хозяином очень пригодится в последующей жизни. Взятый за годы реформ в армии курс на жесткую экономию выделяемых на оборону народных денег поможет и экономисту с дипломом стать настоящим специалистом своего дела.

Сыну садовника из Пахтачинского района Абдусалиму Долиеву период обучения на сборах запомнится интересными занятиями по общественно-политической подготовке. Офицеры и сержанты сумели вооружить выпускника колледжа столь разноплановыми знаниями по истории Родины, историческому наследию наших великих предков, что теперь парень утвердился в желании поступать этим летом в институт.

Вот так воспитывают на сборах истинных патриотов Отчизны в данном подразделении МПР.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото автора.

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР ҲАР БИТТА ЎҒЛОН

Кўкрак нишонлари

«ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК АЪЛОЧИСИ»

«Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони жимжимадор шаклдаги беш бурчакли қалқон кўринишида бўлиб, олтин рангли, бўйи 35 мм. ва эни 24 мм. Қалқоннинг икки ён томонида эман барглари тасвирланган. Қалқоннинг юқори қисмида дафна барглари, устида эса саккиз бурчакли юлдуз ва миллий байроғимиз жойлашган. Қалқоннинг ўрта қисми кўк рангли эмал билан бўялган, унинг устида эса олтин рангли, бўйи 20,5 мм. ва эни 21,5 мм. бўлган рамз (символ) ифодаланган. Рамз горизонт бўйлаб симметрик равишда жойлашган қанотлар кўринишида бўлиб, унинг марказида тиғи пастга қаратилган қилич тасвирланган. Қилич ва қанотлар кесишган жойда думалоқ шаклдаги қалқон ифодаланган. Қалқоннинг пастки томонида кўк рангли эмал билан бўялган ва бўртма ҳарфлар ёзилган тасма бўлиб, унинг умумий ўлчамлари 8 мм х 25,5 мм.

«Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони якуний синов машғулотлари натижаларига кўра, бунда 90 фоиз баҳолар ижобий, улардан камида 50 фоизи «аъло» баҳолар бўлса, бўлинманинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва оддий аскар ҳамда сержантлар таркибида шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга қўшилма командири томонидан топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

ОНИ ЗАСЛУЖИЛИ НАГРУДНЫЕ ЗНАКИ

В нашей газете уже сообщалось о том, что приказом министра обороны утверждены нагрудные знаки для поощрения отличившихся в ратном труде военнослужащих. Недавно по результатам подведения первого этапа контрольной проверки за зимний период обучения состоялось вручение нагрудных знаков группе военнослужащих срочной службы.

Офицеру Мавлону Юнусову доставляет особое удовольствие перед всем строем личного состава вручать нагрудные знаки удостоенным такой чести воинам. Например, рядовой Дильшод Турдалиев, возвращающийся домой, в Иштыханский район Самаркандской области, награжден сразу двумя знаками. Знак «Жанговар тайёргарлик аълочиси» («Отличник боевой подготовки») вручен военному водителю за умелое владение вооружением и вверенной военной техникой, а знака «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» («Отличник общественно-политической подготовки») он удостоен за высокий интеллект и общественно-политическую подготовленность. Папа, Эркин-ака, может гордиться сыном, который мечтает стать дипломированным инженером – поступить в Ташкентский автодорожный институт.

А вот рядовой Урал Баймурадов из Яккабагского района Кашкадарьинской области твердо решил стать офицером. Поэтому парню, являющемуся кандидатом на поступление в ТВОКУ, нагрудный знак «Жанговар тайёргарлик аълочиси» обязательно сослужит добрую службу.

Заместителю командира взвода по воспитательной работе старшему лейтенанту Гайрату Кучмурадову в новом учебном периоде будет так не хватать рядового Отажона Абдураимова. Этот любознательный юноша из Джамбайского района Самаркандской области охотнее всех писал заметки в стенгазету «Алокачи», да и во время проведения массовых мероприятий его организаторские способности были очень кстати. Теперь же отличник общественно-политической подготовки решил продолжить дорогу к знаниям в Самаркандском государственном университете.

Прославить нашу Отчизну в национальной борьбе кураш мечтает рядовой Джамшид Ашуров из Кувинского района Ферганской области. И в этом плане нагрудный знак «Харбий спортчи» («Воин-спортсмен») является той самой стартовой площадкой, с которой вполне под силу начать путь к наградам мировых чемпионатов и олимпийским медалям.

– С большим воодушевлением восприняли мы все победу нашего земляка Руслана Чагаева над Николаем Валуевым в бою за титул чемпиона мира в сверхтяжелой весовой категории среди профессионалов, – говорит солдат. – Пример нашего земляка вдохновляет и нас так же самоотверженно стремиться к прославлению Родины, чтобы мир больше узнавал о независимом Узбекистане.

Дирижеру отдельного образцово-показательного оркестра Министерства обороны старшему лейтенанту Бахтиеру Саиджанову также очень приятно сопровождать бравурной музыкой столь значимое в жизни военной части событие. Ведь эти солдаты стали самыми первыми обладателями нагрудных знаков нового образца, с нанесенными на них символами нашей свободной Отчизны. Проводимые в жизнь в ходе военной реформы новые воинские ритуалы, новые традиции наполнены большим смыслом и содержанием.

Вот и в отдаленном кишлаке Вахшивар Алтынсайского района Сурхандарьинской области, в семье Юсуфа-ака и Зулайхо-апа Хакимовых, нагрудный знак сына рядового Сайдулло Хакимова станет самой дорогой семейной реликвией. Восьмерых детей воспитали и вырастили эти достойные дехкане, один из них стал отличником общественно-политической подготовки и твердо намерен стать дипломированным юристом.

Реформа Вооруженных Сил для данной семьи обрела четкие очертания в виде нагрудного знака, которым отмечен ратный труд их сына. В этом видится логическое продолжение линии руководства страны на то, что каждый наш гражданин – будь он хлопкороб или солдат – обязательно будет отмечен по заслугам. Поощрение всегда имеет великую вдохновляющую силу, а когда отмечен ратный труд воина, – это еще и напоминание о том, что мир в нашем доме дорог и ценен каждому.

Майор Б. УТАНОВ.
Фото **Александра МРУЧАКА.**

Янги анъаналар

АЪЛОЧИЛАР ШОД-МАМНУН

Истиқлол йилларида, босқичма-босқич амалга оширилган ҳарбий ислоҳотлар жараёнида миллий армиямизда аскарлик хизматининг нуфузини оширадиган кўплаб янги анъаналар пайдо бўлди. Ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ҳарбий қисмларга ташрифлари, шаҳар ва туманларда катта тантаналар билан ўтказилаётган «Аскар – маҳалла меҳмони», «Аскар оналари анжумани» каби тадбирлар шулар жумласидандир. Энг муҳими, маънавий, тарбиявий томондан улкан аҳамият касб этаётган ушбу тадбирлар йил сайин мазмунан бойиб, янгиланиб бормоқда. Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида ташкиллаштирилган, кўплаб посбонларнинг қалбига ғурур бахш этган тантанавор йиғилиш ҳам ушбу фикримизга яққол мисол бўла олади.

Фахрий қоровуллар саф тортган, мусиқа садолари янграб турган офицерлар уйига округдаги ҳарбий қисм ва муассасаларнинг энг аълочи, қишки ўқув мавсуми синов машғулотларида юксак натижаларни қўлга киритган посбонлари етиб келдилар. Байрамона безатилган улкан зални тўлдириб ўтирган ўғлонларнинг юзларида қувонч, мамнуният акс этмоқда. Ахир бугун улар учун гўёки байрам. Бир йиллик намунали хизматлари ўз эътирофини топади. Хурсандчиликларига хурсандчилик қўшилади. Ниҳоят офицер Алишер Муинов аълочи посбонларни тақдирлашга бағишланган йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Давлат Мадҳияси ижро этилгач, сўз Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор Акмал Комиловга берилди. Нотиқ Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, касбий маҳорат ва интеллектуал даражасини юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларга, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматчиларга давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёзларга, ғамхўрликларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бугунги шодиёна кунда ўз хизматини, баҳорги синов машғулотларини аъло натижалар билан якунлаган, сафдошларига ҳар томонлама намуна бўлган аскарларга яқинда Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонларини топшираётганлигидан мамнунлигини изҳор этди. Уларга келгуси ишларида каттадан катта муваффақиятлар тилади.

Бир гуруҳ аскарлар мусиқа садолари остида кўкрак нишонлари билан тақдирландилар. Билимдонлик, интизомлилик, аскарлик бурчига садоқат тимсоли бўлмиш нишонлар фахр-ифтихор, хурсандчилик ила ҳарбий либосларга қадалди.

Ушбу тадбирда фахрий меҳмон сифатида қатнашаётган Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова кўкрак нишонига сазовор бўлган аълочи аскарларни қутлар экан, уларнинг ҳар доим гўзал Ўзбекистонимизнинг фидойиси, ҳақиқий ҳимоячиси бўлиб қолишларига чин юракдан ишонишини таъкидлаб ўтди. Сўзга чиққан оддий аскар Ихтиёржон Маматов эса ҳарбий хизматга келиб, қадр-эътибор топганини, интилувчанлиги, саъй-ҳаракатлари туфайли қадрдон шаҳри Қўқонга, ота-онаси ҳузурига қўшалоқ совға – Тавсиянома ва кўкрак нишони билан қайтаётганини мамнуният билан изҳор этар экан, барча тақдирланганлар номидан қўмондонлик вакилларига миннатдорчилик билдирди.

Тантанали тадбир гарнизон офицерлар уйи қошида фаолият олиб бораётган Жасурбек Каримов бошчилигидаги хонандалар гуруҳи ҳамда Лола Агзамова бошчилигидаги «Осиё» гуруҳи раққоса қизлари тайёрлаб келган байрамона концерт дастурига уланиб кетди. Биз эса фурсатдан фойдаланиб, «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонини қўлга киритган илк қалдирғочлар билан бирров суҳбатлашдик.

– Бугунги тантаналарни асло эсимдан чиқармайман, – дейди қорақалпоғистонлик оддий аскар Улан Мамаев қувонч билан, – кўкрак нишонини округ қўмондонининг қўлидан олишга муяссар бўлдим. Тўғри, аълочи аскар бўлиш осон эмас, доим ўқиб-ўрганиш керак. Ана ушандагина ютуқларга эришиш мумкин. Аскарлик хизмати давомида менда ҳарбийликка ҳавас пайдо бўлди. Тавсиянома ҳам олдим. Энди Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртига ўқишга кириш ҳаракатида юрибман.

Оддий аскарлар – Зоҳиджон Мамажонов, Илҳом Йўлдошев, Арслон Узганов кабиларнинг ҳам хурсандчилигини чеки йўқ. Ахир ҳарбийда ғолиблар ичра ғолиб бўлиш, ақл-заковати, касбий маҳорати, интеллектуал даражаси билан кўплаб сафдошларга намуна бўлиш, тақдирланиш осонми! Қолаверса, булар ҳам молия, автомобиль йўллари, юридика институтларига, Ички ишлар вазирлиги академиясига ўқишга киришда имтиёз берадиган тавсияномаларни қўлга киритишган. Демак, армия мактабида шаклланган билим ва тажриба, қатъият ва интизом яна қўл келиши, посбонларни янада катта муваффақиятлар сари етаклаши аниқ.

Хулоса қилиб айтганда, армиямизда посбонларни маънавият, касбий маҳорат чўққиларини забт этишга чорлайдиган, руҳлантирадиган, уларнинг ватанпарвар, халқпарвар инсон бўлиб вояга етишларига кўмаклашадиган янгидан янги анъаналар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Эзгу мақсадлар кўзланган амалларнинг эса умри боқийдир.

Майор Азимбек УСМОНОВ.
Александр МРУЧАК
суратта олган.

Синов машғулотлари таҳлили

БУРЧНИ АНГЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Мана, қишки ўқув мавсуми синов машғулотлари ҳам ортда қолди. Баъзилар учун бу – илк синовлар бўлса, яна ким учундир илгариги натижаларни яхшилаш, билим ва сабоқларни янада мустаҳкамлаш, демакки, жанговар шайликнинг янги бир босқичга кўтарилганини амалда исботлаш даври бўлди.

Хизмат сафари давомида ҳарбий қисмлардан бирида синов машғулотларининг бориш жараёнини бевосита кузатдик. Ватан ҳимоячиларининг пухта ҳозирлиги, ишончли хатти-ҳаракатлари комиссия аъзоларида ҳам илиқ таассурот қолдирди.

Офицерлар – Қ.Қўлдошев, С.Тўраев, Б.Саидумаров, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – О.Эгамқулов, А.Холмуродов, Ф.Абдуалиев, Д.Аҳроров, О.Рустамов, оддий аскарлар – Б.Шодиёнов, С.Муҳаммадалиев, А.Ибрагимов... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш, тайёргарликнинг муайян туридан сафдошларига ўрнак бўлганлар номини кўплаб келтириш ҳамда уларни шахсий муваффақият билан табриклаш мумкин. Биласизки, айнан якка тартибдаги ғалабалар кўлами умумжамоа пешқадамлигини таъминлайди.

Тўғри, барча жамоалар олдинга қўйилган мақсад – якуний «аъло»ни қўлга кирита олмаган бўлсалар ҳамки яхши натижани нақд қилишди. Бироқ, шундай жамоалар борки, улар офицер Илҳом Бегимқуловнинг таъбири билан айтганда: «Биринчи ўриндан бошқасига қаноат қилмайдилар». Катта лейтенант Мирзақул Холбўтаев командирлигидаги миномётчилар батареяси шулар жумласидан.

Жамоанинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича ютуқларини олиб қарайдиган бўлсак, сержант Тоҳир Абдуллаев, кичик сержантлар – Эгамберди Соатов, Шароф Очилов ва Фаррух Раҳматуллаев, муддатли ҳарбий хизматчилар – Адҳам Ашуров, Умид Сафаралиев, Алишер Мирзаев, Ботир Абдиевлар интеллектуал салоҳияти юқори эканлигини таъкидлаш жоиз.

Келинг, биргина ҳарбий хизматчи, дейлик оддий аскар Ботир Абдиев мисолида тайёргарликнинг ушбу туридан эришилган ютуқни таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Аниқроғи, посбон муваффақиятини сафдоши Руслан Шукуровнинг айнан шу тайёргарликдан олган бир оз паст баҳоси билан қиёслаймиз.

Аслида, билим даражани ошириш ва дунёқарашни кенгайтириш учун посбонларнинг ҳар бирида ҳам имконият, шарт-шароитлар етарли. Савол-жавобга ва амалий-услубий мезонга бой тарзда, таълим беришнинг янги ва илғор усулларидан, замонавий ўқув қуроллари ва техник, тарғибот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтиладиган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари, нафақат устоз офицерлар, балки етакчи олий ўқув юртлар педагоглари, соҳа мутахассислари иштирокидаги давра суҳбатларида иккаласи ҳам иштирок этиб, маърузаларни тинглашган. Демак, сабабни бошқа ердан излаш лозим.

Назаримда, оддий аскарлар натижалари ўртасидаги асосий фарқ уларга зарур маълумотларнинг қандай етказилишида эмас, машғулотга қўшимча тарзда зарур маълумотларнинг ўзлаштирилиш омилларида. Ботир билан суҳбатлашгач амин бўлдимки, ҳар бир машғулот ёки ижтимоий ҳаётимизга дахлдор янгиликни сафдошлари билан муҳокама қилишга, саволлар туғилган вазиятда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари раҳбаридан аниқлик киритишга одатланган, у. Қолаверса, Президентимиз асарлари ва илмий адабиётлар, рўзнома ва журналлар мутолааси кўринишидаги мустақил тайёргарликка ҳам алоҳида урғу бераркан. Шунингдек, сафдошлари ўртасида яратилган ўзаро дўстона рақобат муҳитида билимини бойитаётган Ватан ҳимоячиси командирлари томонидан муносиб рағбатлантирилади ҳам. Қарабсизки, натижа кутилганидек, ҳавас қилса арзигулик – тайёргарликнинг ушбу туридан юқори кўрсаткич.

Маълумки, ҳарбий хизматчи жанговар шайлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири унинг жисмоний тайёргарлик даражасидир. Табиийки, бу борада ҳам ушбу бўлинмада пешқадамлар талайгина. Офицер Темур Сулеймановнинг маълумот беришича, кичик сержант Бектош Омонов узоқ масофага югуришда энг юқори натижага эришган бўлса, катта лейтенант Шерзод Ҳошимов 100 метрда, кичик сержант Акмал Хушвақтов эса, турникда тортилишда тенгсиз бўлдилар.

Кичик сержант Фаррух Холмирзаев командирлигидаги бўлинма тактик тайёргарлик мобайнида бехато ва аниқ ҳаракати, машқни сифатли бажариши билан ажралиб турган бўлса-да, кичик сержант Шароф Очиловнинг расчёти умумий натижаларга кўра, энг илғор, дея эътироф этилди.

Биз юқорида бежизга бўлинманинг «аълочи»ларини санаб ўтмадик. Зеро, айнан шулар хизмати, пухта ва юқори даражадаги тайёргарлиги, фидокорона саъй-ҳаракати миномётчилар батареясининг пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни тортмоқчимиз. Бу – масъулият ҳисси. Ҳа, айнан вазифаси, сафдоши ва командирлари, халқи ва Ватани олдидаги масъулиятини теран ҳис этган, бор куч ва билимини шунга сафарбар қилган ҳамда бошқаларни ҳам шунга даъват этаётган ҳарбий хизматчилардан иборат жамоа масъулиятини назарда тутяпмиз. Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ва профессионаллик даражасини, мудофаа қобилиятимизни янада мустаҳкамлаш, тинч ва осуда ҳаётимиз гарови бўлишга қаратилган масъулият.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратта олган.



Дала-ўқув машғулотларида

ГРАНАТОМЁТЧИ – ЎТ ОЧИШ НУҚТАСИДА

Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейди: «Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур». Дарҳақиқат, миллий армиямизда ўтказиб келинаётган ислоҳотлар натижасида ҳар қандай вазиятда самарали қарор қабул қила оладиган, етакчилик қобилиятлари шаклланган, ташаббускор сержантларимиз шаклланмоқда. Ислоҳотлар меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари уларнинг армиямиз таянч устунларига айланиши, демакки, интеллектуал салоҳиятда, ақл-заковатда, ҳарб илмини эгаллашда намуна бўлишлари йўлида замонавий талаблар асосида билим, тарбия берянти.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдусаттор Ҳасанов ана шундай ўғлонлардан, десак муболаға қилмаган бўламиз.

...Шартли душман эгаллаб олган ҳудудга яқин қолганида дарҳол кузатув пости ташкил этишга буйруқ берилди. Энг аввал ўт очиш нуқтасига гранатомётчи посбон жойлашиб олди. У ўзининг жанговар вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши билади. Биринчи навбатда шартли душман зирҳли техникасини, асосий кучларини яксон этиб, сафдошларининг олға ҳаракатланишига замин ҳозирламоғи керак. Мана, нишон – шартли душман зирҳли техникаси яқинлаша бошлади. Оралиқ масофа тахминан 500 метр. «Ўт оч!» буйруғи янгради. Кўтарилган чанг-тўзон тарқагач, посбон юзига қувонч югурди. Кичик сержант бу сафар ҳам нишонга бехато отган эди. Хуллас, наманганлик бу профессионал жанговар вазифасини аъло даражада уддалади.

Бу қишки ўқув мавсуми синов машғулотларидан бир лавҳа эди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кичик сержант Абдусатторов ва сафдошлари ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни янада ошириш, ҳар қандай шароитда юрт осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга бел боғлашган. Хўш, бу нималарда ўз аксини топади?

Лавҳамиз қаҳрамони соҳаси бўйича ўтказилган йиғинда қатнашиб, илғор тажрибалар, билимларни ўзлаштирди. Билимларини, кўникмаларини дала-ўқув машғулотларида қўллади. Бу эса касбий маҳорати, жанговар малакаси ошишига хизмат қилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам синов машғулотларида жамоанинг жанговар тайёргарлиги юқори баҳоланди. «Касбим – шарафли, фахрли. Мен ҳар қандай шароитда ҳам юртимни, халқимни, истиқлолимни ҳимоялашга аҳд қилганман», – дейди у.

2004 йилда сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган бу профессионалнинг жанговар фаолиятини кузатар эканмиз, етакчилик қобилияти юксаклигини, ҳар қандай вазиятда самарали қарор қабул қила билишини англадик. Ҳа, ислоҳотларимиз ана шундайин марду майдонларни кашф этаётгани кишини ғурурлантиради.

Сафар АЛИЕВ.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ОДИМЛАРИ

Курсом военной реформы

ВЫПУСКНИКИ ВДОХНОВЛЕНЫ НАПУТСТВИЯМИ

Торжества по случаю очередного выпуска слушателей факультета повышения квалификации (ФПК) офицеров при ТВОКУ прошли именно с таким настроем участников. Командование было удовлетворено добросовестно выполненной совместной работой, а офицеры, прошедшие обучение, проявили искреннее стремление к получаемым знаниям.

Особую атмосферу данного мероприятия усиливал и тот момент, что свои сертификаты незадолго до Дня памяти и почестей офицеры получали из рук ветерана Второй мировой войны, также окончившего ТВОКУ, генерал-майора в отставке Абдуллы Артыкбаева. Словно перенимая эстафету достойного служения Отчизне, они внутренне настраивались успехами в ратном труде оправдать высокое доверие Родины.

Выступление убеленного сединами аксакала, горячо и вдохновенно говорившего о высоком предназначении защитника Отечества, о важной роли офицерских кадров в воспитании личного состава истинными патриотами своей страны, было с большим вниманием и интересом выслушано всеми участниками торжества. Не случайно в ответном выступлении выпускника ФПК старшего лейтенанта Нодиржона Абдумуталипова звучали слова о том, что он и его сослуживцы, все воины Вооруженных Сил гордятся военнослужащими старших поколений, верными сынами народа Узбекистана, сумевшими прославить нашу страну.

Безусловно, для преподавательского состава ФПК станут вдохновляющим стимулом добрые отзывы выпускников об их высоком методическом мастерстве, умении просто и доходчиво объяснять самые сложные темы учебной программы, оказывать содействие в исследовательской работе самих слушателей факультета.

По словам подполковника Алишера Расульмухамедова, в успехе постоянной работы над всесторонним улучшением учебных программ есть вклад и воинских частей, откуда прибывают на ФПК слушатели. Без заинтересованного подхода к делу, точного и внимательного отслеживания добрых перемен в служебных качествах выпускников было бы просто невозможно быстро и своевременно вносить необходимые поправки и коррективы в учебные планы и программы. Согласно этой традиции и на этих выпускников командиры со временем отправят в адрес ФПК подробные характеристики о том, насколько эффективно они сумели применить полученные знания и навыки.

– Для меня лично данная учеба стала отличной школой оформления необходимой служебной документации, познавания нового, освоения всех требований руководящих документов руководства Министерства обороны, – говорит капитан Уткиржон Хамракулов.

Капитану Анвару Ибадову довелось проходить здесь обучение согласно командному профилю. Офицер прошел в мотострелковых подразделениях путь от командира группы до начальника штаба батальона. В этом плане учеба на ФПК дала ему возможность глубже изучить все многообразие планирующих документов по организации боевой учебы личного состава, службы войск, другим важным моментам.

– Хочется поблагодарить наших наставников не только за новые знания и навыки, – говорит старший лейтенант Дмитрий Гурьянов. – Обладающие богатым жизненным и служебным опытом, они в неформальном общении дали нам немало полезных советов и по чисто практическим вопросам служебной деятельности каждого из нас.

Капитан Рустам Сайфуллаев рассказал о том, что в суровых погодных условиях отдаленного гарнизона возрастает значение сплоченности воинского коллектива. И в этом плане велика ценность новых материалов по воспитанию подчиненного личного состава, созданию особого микроклимата взаимного уважения.

– Наш факультет является детищем военной реформы, – говорит офицер Тухтамирза Бувамирзаев. – Поэтому деятельности новых подразделений, созданных в Вооруженных Силах в годы независимости, здесь традиционно уделено повышенное внимание. Вот и мне обретенные новые знания помогут поднять на новую высоту качество воспитания и обучения подчиненных, уровень боевой готовности.

Подразделения мобилизационного призывного резерва также представляют собой принципиально новый вид службы, требующий и новых подходов к ее несению. Вот именно с этой точки зрения капитану Кенесбаю Бекбаеву повезло с направлением на ФПК: здесь его вооружили этими новыми подходами, которые помогут качественно готовить к защите Родины граждан, проходящих сборы МПР.

Одним словом, высказывания выпускников ФПК красноречиво свидетельствуют об их высоком стремлении применить в деле полученные здесь знания и опыт. Таким образом, данный выпуск стал еще одной важной вехой на пути претворения в жизнь реформы наших Вооруженных Сил.

Майор Анвар КАСЫМОВ.

Президент табриги – дастуриламал ҳужжат

ЁШ МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»дан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда ҳарбий прокуратура органларининг роли» мавзусида амалий анжуман ўтказди. Анжуманда ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилиб келаётган ёш мутахассислар иштирок этдилар.

Амалий машғулотлар дастлаб сержантлар тайёрлаш мактабида бошланди. Анжуманни Республика ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги С. Жўраев очиб берди.

Ёш мутахассислар сержантлар тайёрлаш мактаби фаолияти билан яқиндан танишдилар. Мактаб бошлиғи офицер Н. Саидов, офицер Б. Ачилов маърузаларида СТМда ўқув жараёнининг олиб борилиши, ҳарбий хизматнинг хавфсиз шароитларини яратиш, шахсий таркиб жароҳатланишининг олдини олиш борасида командирларнинг вазифалари, ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид муносабатларнинг олдини олишда командирларнинг шахсий масъулиятини ошириш ҳақида батафсил тўхталдилар.

Анжуманда ҳуқуқ-тартибот органларида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган бир қатор мутахассислар ҳам иштирок этдилар ва бевосита машғулотлар ўтказдилар. Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида давом эттирилди. Бу ерда марказнинг масъул ходимлари, республика Бош прокуратурасининг ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси, иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ходимлари, Тошкент давлат юридик институти профессор ўқитувчиларининг бугунги кунинг долзарб мавзуларига бағишланган маърузалари тингланди.

Мамлакатимиз раҳбари «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да Қуролли Кучларимиз олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берар экан, шундай таъкидлайди: **«... ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади».**

Бугунги кунда ҳарбий прокуратура органларида олиб борилаётган ишларнинг туб моҳияти ҳам ана шу юксак мақсадга қаратилган.

– Бўлиб ўтган анжуман биз каби ёш мутахассислар учун дастуриламал вазифасини ўтайди, – дейди адлия лейтенанти Дилшод Темиралиев. – Бу ерда олиб борилган амалий машғулотлар, қизиқарли маърузалар касбимизга доир билимларимизни янада мустаҳкамланишига замин яратди.

– Қуролли Кучларимиз қудратини янада оширишда ҳуқуқтартибот органларининг беқиёс ўрни ҳақида ҳар қанча таъкидлаб ўтсак арзийди, – дейди яна бир иштирокчи адлия катта лейтенанти Нодир Ғофуров. – Анжуман олдимизда турган муҳим вазифалар ечимига катта эътибор қаратди. Ўйлайманки, ҳар бир иштирокчининг келажак фаолиятида мазкур тадбирнинг самараси акс этиб туради.

Бир неча кун давом этган анжуманда маънавий ҳордиқ олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар машғулотлардан бўш вақтларида Ўзбек миллий академик драма театрида, Темурийлар тарихи давлат музейида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси музейида бўлдилар.

Адлия майори Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ.

«Энг илғор мутахассис»

ЮКСАКЛИККА ИНТИЛИБ

Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилиб вояга етган Илҳом Турсунов ёшлигидан тенгдошлари орасида ўз билими, дунёқараши, иродалилиги билан ажралиб турарди. Мактабни аъло баҳоларга туғатган ўғлон биринчилардан бўлиб конституциявий бурчини ўташга, яъни муддатли ҳарбий хизматга отланди. У хизматини десантчилар ҳарбий қисмида ўтади ва шу ерда унинг қалбида шарафли касбга меҳр уйғонди.

– Муддатли хизматга қадар армия ҳақида кам таассуротга эга эдим, – дейди кичик сержант И.Турсунов. – Хизматим давомида офицер ва сержантлардан кўп нарсани ўргандим. Армия ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактаби эканлигига шунда амин бўлганман. Отамнинг розилиги ва оқ фотиҳалари билан шу касбга ҳаётимни бағишлашга қарор қилдим. Ўз касбимдан, вазифамдан жуда фахрланаман.

Уч йилдан буён шартнома асосида хизмат қилиб келаётган посбон шу қисқа давр ичида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловида 2005-2006 ўқув йили якунлари бўйича округ миқёсида биринчи ўринга сазовор бўлди.

– Хизматим мобайнида малакали офицерлардан ҳарб илми билимларини пухта ўзлаштирдим, – дейди кичик командир. – Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактабида ўрганган билимларим вазифамни аъло даражада бажаришимда жуда асқотмоқда. Эгаллаган билимларим зое кетмабди.

Илҳомжон спортнинг қўл жанги, енгил атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний тайёргарлигини янада ошириб бормоқда. Шунингдек, бўш вақтларида тарихий китоблар ўқишни ёқтиради.

– Кичик сержант И.Турсунов ҳар томонлама етук, профессионал кичик командирлардан, – дейди офицер Қутлимурод Собиров. – У ўз ишининг ҳақиқий устаси, қўйилган вазифани доим вақтида, айтилганидай бажаради. Ташаббускорлик қобилиятига эга, шунинг учун бўлса керак, у ҳамиша олдинги safda. Ўзининг намунали, ибратли хизматлари билан сафдошларига ҳам ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳа, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эга бўлган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Кичик сержант И.Турсунов ушбу масъулиятни юракдан ҳис қилиб, ўз билимларини бойитиб, малакасини янада ошириб бормоқда. Унинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишига ишончимиз комил.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

Полигон – посбон академияси

АМАЛИЁТ УСТУВОРЛИГИДА

Полигон. Бу ерда жанговар техника ва қуролдан ўқ отиш, тактик машқларни бажариш сингари турли дала-ўқув машғулотлари ўтказилишини ҳарбийликдан йироқ кишилар ҳам яхши биладилар. Айнан полигонда жанговар тайёргарлик даражаси ўзига хос синовдан ўтиб, назарий билимлар амалиётда мустаҳкамланади. Бундай амалиёт ҳақида гап кетаркан, Қуролли Кучларимиз сафларига офицер кадрларни етиштириб бераётган олий ҳарбий билим юртлари ўқув режасига дала-ўқув машғулотларининг бежизга киритилмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, яқинда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлганимизда аксарият курсантларнинг полигонда эканлигидан хабар топдик. Табиийки, бўлғуси офицерларнинг дала-ўқув шароитида, машғулотлар пайтида ҳаракатланишини кузатиш имконини қўлдан бой бермадик.

...Қўмондонлик кузатув пунктидан алоқа воситаси орқали нишон координаталари, айнан қайси турдаги снарядни қўллаш ва бошқа маълумотлар ўт очиш позициясига етказилди. Ушбу нуқтада эса жанговар қуролдан белгиланган нишонни аниқ мўлжалга олиш, ўқлаш ишлари тезкорлик билан амалга оширилиб, ўт очишга тайёрлик билдируви янгради. «Ўт оч!» буйруғидан сўнг нишон яксон этилгани ҳақида хабар келди.

– Гувоҳи бўлганингиз, – деди ўқ отиш машғулоти раҳбари офицер Анвар Мирфайзиев, – артиллерия тайёргарлиги курси вазифаларини бажараётган курсантларнинг машғулот жараёнидир. Бундай машғулотларга курсантлар иккинчи курсдан жалб этиладилар. Улар юқори курсга ўтган сари машғулотлар ҳам мураккаблашиб боради. Шунга бўлса керак, 2-курсдагилар орасида аъло баҳолар нисбатан кўпроқ кузатилади.

Сўнгра, қўмондонлик кузатув пунктида ҳам бўлдик. Масъул офицер Баҳодир Аҳмедов раҳбарлигидаги курсантлар шартли душман тўғрисида батафсил маълумотлар йиғиш, харита ва махсус ўлчов асбобларини ишлатиш билан машғул эдилар. Бутун диққат-эътиборини устоз офицернинг хатти-ҳаракатларига қаратган, зарур қайдларни қилаётган ҳамда берилаётган билимларни қунт билан ўзлаштиришга астойдил интилаётган курсантларни кўриб, қувонасан киши.

Дарвоқе, 4-курслар учун мазкур машғулотлар курсантлик даврида сўнгиси бўлиб, ҳадемай бошланажак давлат имтиҳонлари олдидан синов вазифасини ўтайди. Курсантлар – Азамат Жуманазаров, Акмал Тўхтамуродов, Муҳаммад Бердиёров, Нуриддин Тиркашевларнинг кўрсатган натижаси энг юқори, дея таъкидланди.

Дала-ўқув машғулотларининг қизғин жараёнини кузатиб, қуёш ботганини ҳам пайқамабмиз. Бироқ шундай бўлса-да, на курсантлар ва на офицерлар юзида ҳорғинлик аломатлари кузатилмасди. Қайтанга, ҳамма янада жонлангандек, ғайрат ва шижоатга тўлгандек эди. Боиси, ҳадемай бошланувчи тунги ўқ отиш машғулотларидир...

Ушбу дала-ўқув машғулотларининг ўзига хос жиҳати, турли мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган курсантларнинг бир пайтнинг ўзида унга жалб қилиниши. Яъни асосий эътибор ҳарбий хизмат муҳитини яратиш ва қўшин турлари, хизмат вакилларининг уйғун ҳаракатланишини таъминлашга эришиш. Қолаверса, ҳар қандай мутахассислар машғулотларининг барча курсантларга намойиш этилиши уларнинг ҳарб илми борасидаги билимини мустаҳкамлабгина қолмай, ҳар томонлама етук, профессионал Ватан ҳимоячиси бўлиб етишишига хизмат қилади.

Келинг, шу ўринда яна бир машғулотга тўхталиб ўтамиз. У офицер Расул Қўшаев томонидан бўлғуси озиқ-овқат таъминоти соҳаси мутахассислари билан ўтказилган бўлиб, илк бор дала-ўқув шароитида – ҳаракатдаги механизациялаштирилган нон заводида олиб борилди. Содда қилиб айтганда, курсантлар ўзлари шахсий таркиб учун нон пиширдилар. Демак, полигонда бўлишига қарамай, курсантлар дастурхонига бевосита сафдошларининг иштирокида тайёрланган тансиқ таомлар, иссиқ нон тортилди. Ҳа айтганча, ушбу машғулотларга «илк бор» иборасини яна бир марта қўллаш мумкин. Чунки, дала-ўқув шароитида курсантларга, шунингдек, мужаймоқ ҳам тортиқ этилди. Ҳа, айнан мужаймоқ. Эҳтимол, уни тайёр маҳсулот тарзида олиб келишган, деб ўйласангиз, адашасиз. Ишончим комилки, уни кимлар тайёрлаганини англадингиз. Таъкидлаш жоизки, бу борада курсантлар – Азизхон Каримов, Азиз Жайдакбаев ва кичик сержант Саидакбар Қутбиддиновларнинг хизматлари катта бўлди.

Бўлғуси офицерлардан навбатдаги муваффақиятларни кутиб қоламиз.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Капитан Зафар Шакаров суратга олган.

Бизнинг тақвим

МУҲИМ САНАЛАР

3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги куни.

5 май – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий Нишон – «Олтин юлдуз» медалини, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди (1994 йил).

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни.

12 май – «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони таъсис этилган кун (1998 йил).

15 май – Бутунжаҳон оила куни.

17 май – Халқаро электр алоқаси куни.

18 май – Халқаро музейлар куни.

27 май – Нодира таваллудига 215 йил (1792 – 1842 йил).

31 май – Бутунжаҳон кашандаликка қарши кураш куни.

Ҳарбий қисм ва муассасалар командир(бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига эслатма:

Жорий йил май ойи учун шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб бориш, маданий-маърифий ишлар ўтказиш режасига юқорида кўрсатилган муҳим саналарга бағишлаб, тематик кечалар, давра суҳбатлари сингари тадбирларни киритиш, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан алоҳида режа тузиш тавсия этилади.

Ўтказиладиган тадбирларга олимлар, тарихчилар, фахрийлар, адабиёт ва санъат намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

Технику – на режим эксплуатации в летних условиях

ГАРАНТ БЕЗОПАСНОГО ДВИЖЕНИЯ

В воинском подразделении, где за деятельность автомобильной службы отвечает старший лейтенант Фарход Тоиров, перевод вооружения и техники на режим эксплуатации в летних условиях максимально используется для того, чтобы заложить прочную основу для обеспечения безопасности движения.

Командира ремонтной секции, сержанта Зохида Рохатова в коллективе уважают как настоящего профессионала, прошедшего два этапа обучения в школах подготовки сержантов. Не случайно работа пункта технического обслуживания и ремонта (ПТОР) доверена этому мастеру своего дела. В прошедшем учебном периоде командованием произведено благоустройство ПТОР.

Вообще, забота о личном составе является здесь непреложным требованием. Навес для бронетанковой техники не только машины от дождей укроет, но и людям, занятым на ремонте и обслуживании, даст тень. В комнате отдыха также созданы все условия. Еженедельно в водительские дни проводятся занятия с участием представителей ХАН гарнизона, где обсуждается опыт мастеров безаварийного вождения техники.

Начальник КТП младший сержант Авазбек Гафуров давно стал для сослуживцев примером принципиальности и требовательности. Правда, иной раз кто-то из новичков даже обижается на строгого сержанта, требующего устранить самые мелкие недостатки перед выездом машины в рейс. И только возвращаясь с рейса они непременно благодарят наставника за строгость – ведь именно благодаря этому машины благополучно отрабатывают свои маршруты.

Вот и от водителя автомобиля ГАЗ-66 младшего сержанта Анвара Бахромова коллеги учатся многому. И на этот раз мастер верен себе, одним из первых выведя свою машину на линейку готовности.

Воины хорошо понимают: в эти дни качество их работы становится залогом успеха летнего ратного труда всей части, гарантом безопасного движения.

Майор Алишер НУРОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

ВАТАН ХИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Чақирув – 2007

ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ТАЙЁР

Йигитларни хизматга кузатиш маросимига бағишланган тантанали митингни офицер Бахтиёр Маҳмудов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг ёшларга ўз тилакларини билдириш учун сўзга чиққан пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани ҳокими ўринбосари – чақирув комиссияси раиси Баҳодир Усмонов, «Нуроний» жамғармасидан Аҳмад Ходжаев, «Маҳалла» жамғармасидан Аброр Аҳмедов, Хотин-қизлар қўмитасидан Мамлакат Маҳмудова ҳамда чақирилувчи отаси Холхўжа Яҳёевлар шарафли вазифаларини адо этишда бўлғуси посбонларга зафар тилади. Чақирилувчи номидан сўзга чиққан Бунёд Яҳёев зиммаларига юкланган масъулиятни юракдан ҳис қилиб, бажаришларини алоҳида таъкидлади.

– Айни пайтда ўктам ўғлонларимизни хизматга жўнатаяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда офицер З.Эргашев.

Хўш, юрт хизматига отланаётган йигитлар қандай фикрда?

Чақирилувчи Эркин Дадахўжаев:

– Матонатли йигитлар ҳарбийликни танлайди. Мен ёшлигимдан аскар бўлишга қизиқардим. Ниятим холис экан, армия сафига отланаяпман. Келгусида шартнома асосида хизматда қолиш ниятидаман.

– Ҳадемай, аскарлик либосини кийишимдан, Ўзбекистон посбони бўлишдан жуда хурсандман, – дейди яна бир суҳбатдошим Фаррух Илёсов. – Албатта менга билдирилаётган ишончни оқлашга, бор билимим ва кучимни сарфлайман.

Шу куннинг ўзида ота-оналар ва кексалар дуосини олган пойтахтнинг асл ўғлонлари муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетишди.

Саида МУҚИМОВА.
Александр МРУЧАК суратга олган.

АСКАРЛИК ҒУРУРЛИ, ШАРАФЛИ

Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пункти ҳам чақирилувчиларни Қуролли Кучлар сафларига тантанали кузатиш маросими кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

Кузатишга бағишланган митингда Ватан осойишталигига камарбаста бўлаётган алп ўғлонларга ўз тилакларини изҳор этиш мақсадида Миробод тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Ботир Усмонов ҳамда чақирилувчи онаси Раъно Эшонова минбарга чиқди.

Миллий армиямиз сафига жўнатилаётганлар номидан сўзга чиққан Умидилло Муҳаммаджонов Ватаннинг ҳар бир қарич ерини ҳамиша сергаклик билан қўриқлашларини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг меҳмонлар ҳамда бўлажак посбонлар учун концерт дастури намойиш қилинди. Ушбу концертда халқимизнинг севимли санъаткори Гулбаҳор Сулаймонованинг иштироки тадбирга ўзгача руҳ бахш этди. Эътиборлиси, у юрт хизматига отланаётганларга ўз тилакларини билдириб, ҳар бир йигитга алоҳида совға улашди.

Тадбирнинг тантанали қисми тугагач, Миробод тумани ҳокимлиги ва мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилувчилар учун байрамона дастурхон тузатилди.

– Бугун пойтахт йигитлари орасидан энг сараларини танлаб олиб, миллий армиямиз сафларига жўнатаяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда офицер Олимжон Қорақулов. – Улар сафларда ўз имкониятларини намоён қилиб, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этиб қайтишларига ишонамиз.

Шундан сўнг ўз фарзандларига оқ фотиҳа бераётган ота-оналарни суҳбатга тортаман.

– Бугун ўғлим Баҳромжонни хизматга жўнатаётганимдан жудаям хурсандман, – дейди Абдувоҳид ака Мансуров. – Ўзим ҳам бир вақтлар ҳарбий хизматни ўтаганман. Армия ҳар бир йигит ҳаётида муҳим ўрин тутади. У ҳаёт мактабида тобланиш баробарида янада мулоҳазали бўлади. Билмаганларини ўрганади. Қолаверса, кейинги пайтда ҳукуматимиз томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётган йигитларга қатор қулайликлар яратилмоқда. Шулардан бири олий ўқув юртларига киришда қўшимча имтиёз берувчи тавсияномадир. Агар Баҳромжон ҳам хизмати давомида ўз имкониятларини намоён қилиб тавсияномани қўлга киритиб қайтса, айни муддао бўларди. Ахир у келажакда юрист бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Чақирилувчи Шуҳрат Эшоновни ота-онаси билан бир қаторда амаки ва тоғалари ҳам кузатгани келишибди.

– Йигитларни кўриб ҳавасим келаяпти, – дейди отаси Азим ака. – Кейинги пайтда Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, йигитлик бурчини ўташ ҳар бир ўғлон учун шарафли ишга айланиб бормоқда. Ўғлимнинг аскар бўлишни орзу қилгани эса мени қувонтирди. Қайси бир ота-она ўғли улғайгач, унинг Ватанни ҳимоя қилишини истамайди. Албатта, барча ота-она фақат ва фақат хурсанд бўлади, бундан.

Карина ҚУРБОНОВА.

АРМИЯ – ШКОЛА МУЖЕСТВА

С призывных пунктов страны в эти дни уходят молодые парни, чтобы с честью выполнить свой священный долг и спустя год вернуться в родные дома окрепшими, возмужавшими, гордыми и умелыми защитниками Родины. Такова судьба и предназначение мужчины – быть воином, опорой и надеждой государства.

На сборном пункте Управления по делам обороны Ташкентской области на днях царила праздничная атмосфера и было многолюдно. Звучали мелодии военного оркестра.

В строю в две шеренги стояли крепкие ребята, в глазах которых наряду с нескрываемым волнением светилась и гордость – им оказана честь отправиться на срочную военную службу.

– Им пришлось выдержать серьезный экзамен, – говорит подполковник Роман Ан. – Конкурс был такой, что мог бы позавидовать любой престижный столичный вуз.

Из нескольких десятков претендентов в ходе жесткого конкурсного отбора практически приходилось выбирать лишь одного для прохождения срочной военной службы, остальные же зачислялись в мобилизационный призывной резерв. Поверьте, призывники, услышав в свой адрес такой вердикт комиссии, зачастую не соглашаются и едва ли не требуют, чтобы их направили на срочную службу. Это результат возросшего престижа Вооруженных Сил и всеобъемлющей к ним любви народа.

На митинге по случаю очередной отправки команд выступившие гости, представители общественных и государственных организаций, махаллинские аксакалы говорили кратко, но емко. Будущим воинам вручены изданные Министерством обороны Памятки «Armiya – hayot maktabi» и «Армия – школа жизни», где приводятся разъяснения предоставляемых военнослужащим срочной службы льгот, их прав и обязанностей, норм суточного продовольственного пайка, перечень выдаваемого вещевого имущества и другое. Будущим воинам вручались памятные подарки государственных и общественных организаций, цветы.

– Вот уже второго провожаю, – говорит прослезившаяся от счастья Рахима-опа Тухтамуродова. – Старший сын – Адхамжон – уже достойно отслужил. Работает он теперь на совместном предприятии, стал на ноги, как говорится. От его командиров нам приходили благодарственные письма. Верю, что и Шавкат не подведет. И это мой ему наказ.

Что же, доверие вчерашним школьникам оказано, действительно, большое, но и ответственности ничуть не меньше. Теперь они в ответе за самое главное – мир и безопасность нашей Родины.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

В строю – новобранцы

СТАНОВЛЕНИЕ ПРОХОДИТ УСПЕШНО

Новобранцы, прибывающие в эти дни в воинские коллективы из разных уголков нашей страны, успешно проходят этап своего солдатского становления.

Сразу по приезде молодые люди проходят углубленное медицинское обследование. Конечно, и в Управлениях по делам обороны состояние их здоровья подвергалось строгой и детальной проверке. Однако особые условия военной службы таковы, что командиры должны быть на сто процентов уверены в физических кондициях воина, от этого зависит уровень боевой готовности части, в целом обороноспособность страны.

Отобранные военными медиками, прошедшие банное обслуживание, переодетые в новое обмундирование новобранцы размещаются в расположениях. Администрацией сборов делается все для того, чтобы юноши не ощущали дискомфорта: все спальные помещения тщательно отремонтированы, со вкусом оформлены комнаты отдыха, бытовки.

Помощник командира взвода по материальному обеспечению младший сержант Нажмиддин Тураханов старательно подбирает каждому солдату форму и обувь по размеру, помогает делать подгонку.

– Впрочем, для меня лично условия размещения не играют принципиальной роли, – говорит рядовой Элёр Дадабаев, призванный из Уйчинского района Наманганской области. – Ведь я приехал сюда не отдыхать, а осваивать профессию защитника Родины. Мой старший брат, Дониёр, стал офицером, в звании старшего лейтенанта служит в десантном подразделении. Хотя атмосфера чистоты и порядка в нашем расположении сразу настраивает быть собраннее, строже к себе.

– Уже давно, мысленно настраивал себя на солдатский рацион, – вступает в разговор рядовой Бахром Шарипов из города Учкургана Наманганской области. – Но уже после первого посещения столовой был просто удивлен высоким качеством предложенных блюд. Все мало чем отличается от домашнего. И потом дома нас не потчевали так витаминами и настоями из целебных трав, а в нашем фитобаре все это имеется.

Опытные сержанты учат новобранцев опрятно и аккуратно носить военную форму, молодцевато исполнять строевые приемы индивидуально и в составе подразделения, стойко переносить нагрузки на начавшихся занятиях по физической подготовке. Но самое главное – они учат юношей сплоченности и взаимовыручке, тому, что знакомый девиз: «Один за всех и все – за одного!» продиктован суровыми законами воинского бытия. Ведь в реальном бою именно взаимная поддержка и уверенность в опоре на товарища могут дать так нужные ключи к победе.

– Скоро нам предстоит в торжественной обстановке перед лицом сослуживцев, родных и близких принять Военную присягу, – говорит рядовой Бахтиер Якубов из Андижанского района Андижанской области. – Этот день станет самым важным в нашей жизни, поэтому всем нам очень хочется наилучшим образом показать себя перед родителями и друзьями. Усиленно занимаемся и строевой подготовкой. Кстати, хочу поделиться секретом: мечтаю стать профессиональным военным.

Рост престижа армейской службы привел к тому, что сегодня в рядах Вооруженных Сил проходят срочную службу немало юношей с высшим образованием. Например, одним из таких дипломированных специалистов является рядовой Умаржон Соипназаров из Касансайского района Наманганской области. А для части нынешних новобранцев, мечтающих отличными оценками в ратном труде и высокой воинской дисциплиной удостоиться Рекомендаций для поступления в вузы, исполнение конституционного долга станет также ступенькой на пути к студенческому билету. Кто-то примет решение остаться в армии на службу по контракту, а многие вернутся к мирному труду. Независимо от выбора дальнейшего пути в жизни, этих молодых людей сегодня роднит одно – они пройдут отличную школу мужества и воинского мастерства, школу патриотизма и беззаветной преданности нашей независимой Родине.

Майор Анвар ИЛЬЯСОВ.
Фото **Александра МРУЧАКА.**

Аскар уйига қайтди

«ХУШ КЕЛИБСАН, БОЛАМ!»

Қарши темирйўл шоҳ бекатида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни дастлабки кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 мартдаги «Муддатли ҳарбий хизматни белгиланган муддатини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан йигитларни кутиб олиш мутасадди ташкилотларга юклатилган, – дейди вилоят мудофаа ишглари бошқармаси офицери Асқар Султонов.

Фарзандларини илҳақ кутган ота-оналар уларни зўр қувонч ва ҳаяжон билан бағриларига босдилар. Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли номга сазовор бўлган йигитларнинг нигоҳларида, шижоатларида ўктамлик, фахр зоҳир эди.

– Бир кун олдин ҳарбий бўлинмамизда ҳам бизни тантанали кузатиш кечаси бўлди, – дейди косонлик Фаррух Абдуҳалимов. – Қуролли Кучлар сафидаги аъло хизматим учун тавсиянома беришди. Бу олий ўқув юртига ўқишга киришимда қўшимча балл олишимга имкон беради.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.

РЕЗЕРВГА – ТАВСИЯНОМА БИЛАН

Бугун армияда хизмат қилиш юртимиздаги ҳар бир ёш йигитнинг орзусига, мақсадига айланиб улгурди, десак хато бўлмайди. Армия нафақат ҳарбий маҳорат сир-асрорларини ўзлаштириш даври бўлмоқда, балки ўғлонлар метин сафларда жисмонан, маънан ва руҳан чиниқиб, ватанпарварлик руҳида камол топиб қайтмоқдалар. Ҳукуматимиз томонидан эса уларга улкан ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Яқинда офицер Камол Жабборов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган аскарларни резервга бўшатиш, уларни яшаш жойларига кузатиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Муддатли хизматни намунали ўтаб, тавсияномани қўлга киритган ўғлонлар билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг дунёқарашига, интеллектуал салоҳиятига, энг асосийси келажакдаги эзгу режаларини эшитиб, армиянинг ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мактаби эканлигига яна бир бор амин бўлишингиз шубҳасиз.

– Армия менинг ҳаётимда, дунёқарашимда улкан ўзгариш яратди, – дейди тавсияномa соҳиби оддий аскар Абдурашид Мавлонов. – Бу ерда нафақат ҳарб илмидан сабоқ олдик, балки ҳар томонлама мукаммал, ҳақиқий ватанпарвар инсон бўлиб етишдик. Ҳукуматимиз бизга катта эътибор қаратмоқда. Биз албатта бу эътиборга лойиқ юрт фарзандлари бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида ҳали кўп хизматлар қилишга шаймиз.

Тавсияномани қўлга киритган посбонлардан оддий аскарлар – Бурхон Азаматов, Акмалжон Дадабоев каби ўғлонлар ҳам сафдошларининг фикрига қўшилиб қолдилар.

Аҳрор ОЧИЛОВ.

ҲАЁТ МАКТАБИДА ТОБЛАНИБ

Барча ҳарбий қисмларда бўлгани каби, бизнинг жамоамиз ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ўғлонларни тантанали равишда яшаш жойларига кузатишмоқда. Яқинда шундай тантанали тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Хизматни намунали ўтаган посбонларга қисм командири томонидан тавсияномалар топширилди. Йиғилишда офицер Шуҳрат Холмуҳамедов, Республика маънавият- тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Фурқат Йўлдошев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими раиси Толмас Рўзимуродов, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Бақо Саидов, шоир, драматург, ёзувчи Миразиз Аъзам, «Бунёдкорлар» маҳалласи оқсоқоли Бозорқул Рўзиқуловлар қатнашишди ва посбонларга келгуси ҳаётларида омадлар тилаб, эсдалик совға-саломларини топширишди.

Тантанали йиғилиш сўнгида вилоят маданият маркази санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури тақдим этилди.

Майор Мирза АШУРОВ.

Ўқув-услубий йиғин

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Мудофаа вазирлигининг қишлоқ хўжалик бошқармаси томонидан ҳар бир округда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида ички таъминот бўлинмалари фаолиятини тўғри ташкил қилишга ва улар фаолиятига илғор технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис бошқарма масъул ходимлари жойларда ўқув-услубий йиғинлар ташкил қилишяпти. Ана шундай ўқув йиғинидан бири Тошкент ҳарбий округи доирасида бўлиб ўтди. Мазкур йиғин «Қишлоқхўжаликкимё», Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди, Ғўза селекцияси ва уруғчилик институтининг мутахассис олимлари ҳамда Франция ва Молдова республикаларининг мамлакатимиздаги расмий вакиллари бўлган «DuPont» ва «MOLSEM GROUP» фирмаларининг етакчи мутахассислари иштирокида олиб борилди. Унда ҳарбий қисм командирларининг фронторти бўйича ўринбосарлари, озиқ-овқат ва ички таъминот бўлими бошлиқлари қатнашдилар.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирлиги Қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жўра Ҳасанов сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш ва ерга ишлов бериш ҳамда ҳар хил зараркунандаларга қарши кураш бўйича ички таъминот бошлиқлари олдига қўйилган талаблар ва уларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Меҳнатни тўғри ташкил қилиш ҳосилдорликнинг ошишига сабаб бўлади. Бу эса ҳарбий хизматчилар ва аскарлар дастурхонининг тўкин бўлишига замин яратади, дея таъкидлади маърузачи.

Шундан сўнг сабзавот, боғ ва полиз маҳсулотларини етиштириш ва зараркунандаларга қарши кураш технологиялари юзасидан мутахассислар маърузалари тингланди. Маърузалар жараёнида ҳайдов техникаси билан ерларни экишга тайёрлаш ва унга минерал ўғитлар билан ишлов бериш, экилган майдонни суғориш, экинлар кушандаси бўлган қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашиш чоралари, чорвачилик ва наслчилик ишлари ҳамда уруғчилик масалалари амалий ва кўргазмали воситалар орқали тушунтирилди. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мавзудан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилган амалий машғулотлар ва маърузалардан кейинги саволжавоблар йиғин қатнашчиларининг олган билимларини янада мустаҳкамлади.

Йиғин якунида ички таъминот бошлиқларининг баҳор мавсумида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Тарихий меросни ўрганиш, таҳлил қилиш мустақил юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши, халқимизни, шу жумладан, ёш авлодни миллий ифтихор ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан юртимизда ўша йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Орден саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлиб, унга тилла қопланган, марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган. Тасвир остида Амир Темур салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган – "Куч – адолатда" шиори битилган. Айни чоғда бу ҳикмат мустақил давлатимиз сиёсатининг ҳам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Амир Темур ордени билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшган мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланади. "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкинлиги қайд этилган.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи арафасида Президентимиз Фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган. Соҳибқирон бобомиз қадим Кешда дунёга келиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Қачонки, биз Амир Темурни ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Самарқанд, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир. Ушбу шаҳарнинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига Амир Темур бобомиз беқиёс ҳисса қўшган.

Соҳибқирон Самарқандининг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этган. Бобокалонимиз уни жаҳондаги энг қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз кашф этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган. Амир Темур ана шу эзгу орзу йўлида бутун дунёдан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтига жалб қилган. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, оламда тенги йўқ меъморий мўъжизаларни бунёд этган.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган Кешнинг миллатимиз тарихидаги ўрни беқиёсдир. Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. У ҳар гал сафардан қайтгач, даставвал Кешни зиёрат қилган. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Шаҳрисабз Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир.

Мустақиллик йилларида бошқа шаҳарларимиз қатори бу икки қадимий кентда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ва бу эзгу иш давом этмоқда.

2004 йилнинг 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу оламшумул ғалаба ўзбек номини, Ўзбекистон шуҳратини янада оширди. Ғуруримизни юксалтирди, халқимизни она Ватаннинг нурли истиқболи йўлида янада жипслаштиришга хизмат қилди. Ёш шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан муносиб баҳоланди – Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Мана, қарийб 16 йилдирки, юртимизда беқиёс янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Соҳибқирон даҳоси бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлаб келмоқда. Зеро, бундан кейин ҳам бобокалонимиз Амир Темур сиймоси ифодаланган орден халқимизни янгидан-янги марраларга, ютуқларга ундовчи куч, миллатимизнинг ғурур ва ифтихори тимсоли бўлиб қолаверади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

УЗИЛГАН ҲАР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анча-мунча ташвишни елкасидан ошириб ташлаб, ҳамиша шўх-хандон юрадиган кишилар, ҳатто ёш-яланглар ҳам бу ерга яқинлашишлари билан нечундир тинч оқар дарёдек вазминлашиб, ўйчан бўлиб қоладилар. Улар оғир ўйга толиб ўтирган муштипар онаизор сиймоси томон оҳисталик билан яқинлашадилар. Она қошида, мангу олов қаршисида бир зумга ўз хаёллари билан қоладилар. Жим-житлик, сукўнат ҳукм суради ён-атрофда…

Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 62 йил бўляпти. Уруш инсоният бошига ёғилган улкан бало эди. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, унинг даҳшатлари, офатлари, ғам-андуҳлари ҳамон унутилгани йўқ, унутилмайди ҳам. Ахир, ўша урушда қон кечиб, жон кечиб қурбон бўлган, хоки-пойлари ўзга юртларда қолиб кетган ота-боболаримизнинг хотираси бир умр қалбимизда.

Ўша пайтда она юртимиз – Ўзбекистонда қарийб уч ярим миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан бир ярим миллион нафари урушга сафарбар этилган эди. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Кўпчилигимиз урушни ўз кўзимиз билан кўрмаган бўлсак-да, фронтдан бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қайтган кексаларнинг мунгли ҳикоялари, кинолар, китоблар орқали уруш офатларини маълум даражада тасаввур этамиз. Жанггоҳларда ҳалок бўлган, урушда орттирган жароҳати туфайли ҳаётдан эрта кетган ота-боболаримизни армон билан ҳануз қўмсаймиз. Бугун орамизда яшаётган, тобора сафлари камайиб бораётган уруш фахрийларини зиёрат қилиб дуоларини олишга интиламиз. Уларга меҳр-оқибат кўрсатамиз. Бу меҳр, бу оқибат, ўтган аждодларимизни хотирлаш ҳисси эса биздан фарзандларимизга, невара-чевараларимизга шу тариқа авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб бораверади.

Мамлакатимизда уруш қурбонлари хотирасини эъзозлаш, уруш қатнашчиларининг ҳурматини жойига қўйиш борасида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан МДҲ мамлакатлари орасида илк бор Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қурбонларининг номлари зикр этилган кўп жилдли «Хотира китоби» чоп этилди. Уруш фахрийлари кўплаб ижтимоий муҳофаза турларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Президентимиз Фармонига биноан ҳар йили 9 май юртимизда «Хотира ва Қадрлаш куни» сифатида нишонланмоқда. Уруш қурбонлари шарафига пойтахтимизнинг энг эътиборли нуқтасида Хотира майдони барпо этилди. Уларнинг исм-шарифлари эса пўлат китобларга зарҳал ҳарфлар билан дарж этиб қўйилди. Буни уруш қурбонларининг номи халқимиз хотирасида абадий муҳрланиб қолганлигининг ўзига хос рамзий ишораси дейиш мумкин. Зотан, «Узилган ҳар киприк абад йўқолмас», деб бежиз айтишмайди!

Мен Хотира майдонига бот-бот бориб тураман. Очиғи, мангу олов қошида ўйчан ўтирган она сиймоси менинг онамга, мунис, мушфиқ, меҳнаткаш, заҳматкаш онажонимга жуда-жуда ўхшаб кетади. Кўзларидаги мунг ҳам, юзларидаги тарам-тарам ажинлар ҳам, ҳатто тиз букиб ўтиришлари, қўллари худдики онамни эслатади.

Беихтиёр онамнинг уруш ҳақидаги изтиробли ҳикоялари ёдимга тушади.

– У кунларни биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар, инсон боласи кўрмасин илоҳим, – дердилар онам раҳматли. – Йигитман деганнинг ҳаммаси урушга кетиб, даладаги, рўзғордаги бор юмуш биз каби келинчаклару, қари-қартанг, ёш болаларга қолган эди. Кундузи далада ишлар, мошоқ терардик. От ҳам етаклардик, ғўза ҳам суғорардик… Э, нимасини айтай. Бир бурда нон топсак ҳам фронтдагиларга илинардик, кунда-кун оша қишлоқнинг ҳали у, ҳали бу тарафидан юракларни зирқиратиб юборадиган йиғи овози эшитилиб қоларди. Қайсидир оилага «қорахат» деган бало келганини, кимнингдир жигаргўшаси, паноҳи урушда қурбон бўлганини ана ўшанда билардик…

Мен бир кишини билардим, урушдан оғир яраланиб қайтган эди. Гарчи, сиртдан қараганда тўрт мучаси соғдек кўринса-да, иккита қовурғаси йўқ, унинг ўрнида доира пардасидек юпқа тери униб чиққанди, ўҳ деса ўпкаси кўринади.

У киши уруш ҳақида гапиришни хуш кўрмасди.

– Қўй, у кунларни эслатма, – дерди чуқур сўлиш олиб, дўппидеккина қишлоғимиздан жангга отланган 46 нафар тоғни урса талқон қиладиган йигитлардан атиги тўққизтагинамиз қайтиб келгандик, холос. Не-не йигитлар эди-я!..

Наврўз байрами арафасида Хотира майдонини айланиб юриб, мангу олов қаршисида ўйга чўмиб турган нуроний отахонга кўзим тушди. Танишдик.

Неъматжон ота Фарғонанинг Бешариғидан экан.

– Бир қизим Тошкентга тушган. Невараларим турли институтларда ўқишади, – дейди отахон. – Уларни кўриш, ҳолидан хабар олиш учун тез-тез пойтахтга тушиб тураман. Ҳар гал, албатта, Хотира майдонига келиб, урушда ҳалок бўлганлар ҳақига тиловат қиламан… Отинг ўчгур уруш бизнинг оилага ҳам кўп кулфат келтирган, ҳам акамдан, ҳам амакимдан «қорахат» олганмиз… – Отахоннинг овози титраб, кўзлари намланди. – Отам бўлса ногирон бўлиб қайтганлар. Урушда орттирган асоратлари у кишини ҳам эрта олиб кетди. Ёш бўлишимга қарамай, онаизоримнинг ёнига кириб укаларимни, сингилларимни катта қилдим. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқидим. Қирқ йилдан ортиқ жамоа хўжалигида ҳосилот бўлиб ишладим…

Ўша пайтларни эсласам, ҳалигача хўрлигим келади. Биз ёш бўлиб ёшлик завқини тотмаганмиз. Қаттол уруш бизни эрта улғайтирган. Шунинг учун ҳам фарзандларимга, неваларимга, қишлоғимиз болаларига «Тинчликнинг, шундай дориломон кунларнинг қадрига етинглар. Юртимизга, Президентимизга муносиб бўлинглар!» деб бот-бот насиҳат қиламан.

Инсон боласи ҳар хил, уларнинг феъл-атвори, дунёқараши, ҳаётга муносабати ҳам бошқа-бошқа.

МенингХотира майдонига тез-тез бориб туришимдан хабардор танишим:

– Нима, бирор яқинингиз урушда ҳалок бўлганми? – деб сўраб қолди.

Рости, ўзини зиёлиларнинг зиёлиси ҳисоблаб юрган, илмий даражаси ҳам бор бу одамнинг саволидан энсам қотди. Қисқа қилиб:

– Ҳа, шундоқ, – деб қўя қолдим. Кейин ўйладим. Ахир, Хотира майдонига келиб туриш учун бирор яқини урушда ҳалок бўлиши шарт бўлмаса керак. Ахир, қирчиллама ёшида шаҳид кетган инсонлар кимнингдир фарзанди, акаси ёки укаси, қайсидир аёлнинг севимли ёри эди… Сиз билан бизнинг эса ҳамюртимиз. Улар ҳеч биримизга бегона эмас эди. Хотира майдонида эса назаримда ҳамон ота-боболаримизнинг руҳи кезиб юргандай. Сиз билан бизни кўриб, сезиб тургандай. Уларни яхшилик билан ёдлаб қўйсак, кифоя. Бу – бизнинг инсонийлик, ҳамюртлик бурчимиз. Бир сўз билан айтганда, одамийлигимиз белгиси.

Бугун эрталаб кўклам чечакларидан бир қанчасини дасталадим-да, яна Хотира майдони томон йўл олдим.

Қўлимдаги янги узилган, ҳатто нозик баргларидаги шудринги ҳам кўтарилмаган гулларни мотамсаро Она сиймоси пойига қўйдим.

– Ассалому алайкум онажон, ассалому алайкум, азизлар…

Ғамгузор она… Назаримда, онам миннатдор жилмайиб қўйгандек бўлди, гўё.

Ў. РАҲМАТ.
(«Халқ сўзи», 2007 йил 24 апрель).



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ШАРАФЛИ УМР

У ҳам худди биз сингари ҳаётни севарди. У ҳам гўзал орзулар, эзгу мақсадлар рўёбига интилиб яшарди. Севиб севилиб яшашга, бир гўзал қизга соҳиблигу фарзандлар кўриб оила қўрғонига беклик қилишга муносиб эди, у ҳам. Бироқ унинг умрига чанг солган разолат ҳаёт шамини жуда эрта сўндирди. Кўксини тўлдирган орзулар ломакон қарига нажотсиз тинди. Аммо у тасодиф туфайли ҳалок бўлгани йўқ. Ватан мустақиллигининг барқарорлиги, юрт осойишталиги, эл бахту саодати учун жон нисор қилди, шарафли ўлим топди.

Қаҳрамон йигит – шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Анвар Атабеков улғайган хонадонга йўл олганимизда қуёш уфққа бош қўйганди. Манак қишлоғи тоғ этагида жойлашган бўлиб, Анваржон шу гўшада вояга етган. Машраббой ака ва Муборакхон опалар билан ўғиллари ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Аввало қаҳрамонимизнинг устоз командирларидан бўлган майор Ботиржон Фармоновнинг у ҳақидаги фикрларини келтиришга қарор қилдик:

– Кичик сержант Анваржон Атабеков ҳақиқий мард ўғлонларимиздан эди. Ўз вазифасига масъулиятлилиги, касбини мукаммал эгаллашга тинимсиз ҳаракат қилиши, сафдошларига ҳар қандай ҳолатда елкадош ва таянч бўлишга интилиши боис жамоада тез ўрин топди. Посбонлик бу – фидойилик эканлигини яхши билгани учун турли вазиятларда ортга чекинмасди. Ҳатто бос-қинчи тўдалар билан бўлган ўша жангда – умрининг сўнгги лаҳзаларида ҳам ўз мардлигини, дўстларига садоқатини исботлаб кетди, у. Бундай ўғлонларимизнинг жасорати асло унутилмайди.

Қадрдон дўстлари, сафдош ва командирларининг куни кеча давраларни тўлдириб турган бу йигит ҳақида хотира сўзларини айтиши осон кечмади. Бу ҳолат ота-онаси ва жигарлари учун эса янада оғир.

– Болам ҳарбий хизматга отланганида мендан бахтли она йўқ эди дунёда, – дейди Муборакхон опа кўз ёшларини тия олмай. – Хизматини давом эттиришга қарор қилганида биз уни қўллаб-қувватладик. Алпомишдек ўғлим юртга посбон бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топганидан хурсанд эдим. У сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, ҳарбий қисмда хизматини давом эттирди. Танлаган касбини ниҳоятда севишини она сифатида ҳис қилиб турардим. Бизга эса ниҳоятда меҳрибон эди. Анваржонни уйлантиришга қарор қилгандик, аммо куёвлик саруполари сандиқда қолди.

Анваржоннинг қисқа бўлса-да шарафли йўли беиз, беэътибор кетмади. Президентимиз Фармонига кўра унга «Жасорат» медали берилди. Бу юксак мукофотни 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунида ота-онаси қабул қилиб олишди.

– Фарзанд айрилиғи ота-она учун ниҳоятда оғир. Аммо бизга шундай оғир кунларда яқинларимиз, давлатимиз катта таянч бўлди. Вилоят ва туман мудофаа ишлари бошқарма ва бўлим раҳбарлари эса доимо ёрдам бериб келишмоқда, – дейди Машраббой ака суҳбат чоғида. – Укасининг ўлимидан сўнг унинг севган касбини акаси Комилжон давом эттиришга қарор қилди. Агар шу ўғлимиз ҳарбий хизмат талабига ҳар томонлама жавоб бериб, ҳарбий либос кийса, укаси каби ҳарбий либосда бағримизга гуркираб кириб келса, куйган кўксимиз бир оз таскин топса, ажабмас.

Биз ушбу хонадондан қайтаётиб, кўнгилдан у бизнинг тинчлигимиз, шу гўзал ҳаётда ҳур ва озод яшашимиз учун жон нисор этди. Бу осойишта ҳаётда унинг катта ҳиссаси борлигини унутмаслигимиз зарур, азиз замондош, деган фикрлар ўтди.

Зулфия ЮНУСОВА.

ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик майдони – барчамизнинг севимли қадамжомиз. Спортчиларимиз нуфузли мусобақалар олдидан ҳамда халқаро майдонларда эришилган ғалабаларидан сўнг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдасталар қўйиши анъанага айланган. Зеро, ҳар бир ўзбек спортчиси ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эришилаётган юксак натижалари, қўлга киритилаётган медаллари, тарихий ғалабалари истиқлолимизнинг шарофатидан эканини яхши билади.

Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Руслан Чагаев шуни алоҳида таъкидлади. Унда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларидан кўплаб журналистлар иштирок этди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланганги, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, аҳолини, айниқса ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Руслан Чагаевнинг катта спортда эришган ушбу тарихий ғалабаси бунинг ёрқин далилидир.

Руслан Чагаевнинг пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида машғулот ўтказаётган ёш боксчилар билан учрашуви жаҳон чемпионининг метиндек мустаҳкам кафтини қисишга муваффақ бўлган болалар хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши, уларни янги зафарлар сари руҳлантириши шубҳасиз.

Спорт оламига энди кириб келаётган кўпчилик болакайлар севимли спорт юлдузларига ўхшашга ҳаракат қилади. Руслан Чагаев ҳам болаликда ҳаваскор боксчилар ўртасида биринчи ўзбек жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, Муҳаммад Али, Майк Тайсон каби машҳур боксчиларга ҳавас қилган бўлса, не ажаб.

Ҳаваскор боксчилар ўртасида Р.Рисқиев эришган натижаларни икки маротаба такрорлаган Руслан Чагаев қачонлардир америкалик М.Тайсоннинг белида чақнаган олтин камарни бугун юртимизга олиб келди. Шундай қилиб, унинг ўзи энди ёш спортчиларимиз учун ибрат намунасига айланди.

Ҳамюртимизнинг россиялик машҳур боксчи Николай Валуевга қарши жангда эришган улкан ғалабасига бағишланган тадбирлар – учрашувлар, спорт мусобақалари, концертлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ўзбек йигити Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийганида халқимиз ана шундай ҳаяжонли дамларни бошидан кечирган эди. Энди Руслан Чагаев дунёдаги энг зўр боксчи эканини олам аҳлига исботлади. Ўзбек ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари юксак салоҳиятининг довруғи яна етти иқлимга ёйилди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки стадиони 20 апрель оқшомида байрам тусини олди. Бу ерда карнай-сурнай садолари янграб, талаба-ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар, спортчилар, спорт ишқибозлари, адиблар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди. Ҳамманинг юзида қувонч, фахр-ифтихор, тилида – «Руслан», «Ғалаба!»

Майдонга карнай-сурнай садолари, минглаб мухлислар олқишлари остида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев кириб келади.

Катта байрам тадбири бошланди.

Тантанада Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулруҳ Аъзамова, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян сўзга чиқиб, Русланнинг ушбу тарихий ғалабаси халқимизнинг кўксини тоғдай кўтарганини таъкидлади. Бу ғалаба замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор туфайли мактабгача таълим муассасалариданоқ болаларда спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самараси мужассамдир.

– Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган учрашув ҳаками ғалаба қозонганимни эълон қилганида мени халқим, мустақил Ватанимдан чексиз фахр-ифтихор туйғулари чулғаб олди, – дейди Руслан Чагаев. – Қийин ва муроссасиз жангда барча юртдошларимнинг мени чин дилдан қўллаб-қувватлаб турганини чуқур ҳис қилиб турдим. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ушбу масъулиятли беллашув олдидан менга оталарча омад тилагани кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди. Ғалабамни юқори баҳолаб «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлагани ва бугун ушбу юксак мукофотни менга шахсан ўзлари топширгани учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорман. Эришган ғалабамни Ватаним – Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман!

Тадбирда ёш спортчиларнинг чиқишлари мушоирага, мушоира дилкаш наволарга, қўшиқлар эса жозибали рақсларга уланиб кетди.

Анна ИВАНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбирлари.

«ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ФИДОЙИЛАРИ

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, одамлар ҳаётини асраш, уларни қутқариш, атроф-муҳитга етказиладиган зарарларнинг миқдорини камайтириш, мадад беришга биринчи бўлиб етиб келадиганлар «Қутқарув хизмати» ходимларидир.

Шаҳримиз аҳолиси хавфсизлигини, пойтахтимиз тинчлигини таъминлашда Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Мазкур хизмат командири сержант Мақсуд Мансуров бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Мана, «Қутқарув хизмати» ташкил этилганига ҳам саккиз йил тўлди. Ҳамшаҳарларимиз бугунги кунда фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳолларда керакли техника ва тиббий ёрдам кўрсатаётган «Қутқарув хизмати»ни яхши биладилар. Жорий йил бошидан шу кунга қадар «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари томонидан 89 нафар ногирон ва қарияларимизга ўз вақтида ёрдам кўрсатилди, хонадон эшиклари берк бўлиб, катталарнинг назоратисиз ёлғиз хавф билан ёнма-ён қолган 75 нафар болаларни хавфдан қутқариб, ота-оналарига соғ-саломат топширишди. 73 хонадонда электр ёки газ плиталари ўчирилмай, ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларда ёки сув кранлари очиқ қолиб, нохуш воқеа содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларда ўз вақтида етиб борилиб, фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олди олинди. «Қутқарув хизмати» ташкил этилгандан буён шу кунга қадар ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларининг мурожаатлари асосида 14947 маротаба фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олишга эришилди.

Қутқарувчилик касбини Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган, жисмонан соғлом, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда яшовчи 19 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигитлар эгаллашлари мумкин. Шунингдек, қутқарувчи бўламан, деган инсонда биринчи тиббий ёрдам кўрсата билиш, махсус қутқарув асбоб-анжомларини ишлата олиш, ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи муҳофаза воситаларидан ва радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш талабларини билиш кўникмалари бўлмоғи шарт.

Жорий йилнинг 17 март куни шаҳримизнинг Юнусобод тумани ҳудудидаги Жаҳон Обидова кўчаси бўйлаб катта тезликда ҳаракатланаётган Константин Бойбеков бошқарувидаги «Мазда» русумли автоулов йўл чеккасидаги бетон тўсиққа урилиб, пиёдалар йўлакчасига учиб тушган. Автоҳалокат натижасида ҳайдовчи оғир тан жароҳати олиб, автоуловида сиқилиб қолган. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор-навбатчилик гуруҳига давлат автомобиль назорати ходимлари хабар бергач, қутқарувчи Рустам Худоёров, Исахон Халенов ва Толиб Қосимов воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб боришади. Жабрланган фуқарони ағдарилган автомашина ичидан гидравлик қутқарув асбоб-анжомлари ёрдамида чиқариб олишиб, тиббий ёрдам ходимларига топширишади. Агар қутқарувчилар юксак маҳорати, касбий малакаси бўлмаганда, бу ҳодиса фожиа билан тугаши мумкин эди.

Шу ўринда ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажариб, ҳамкасбларига хулқи, одоби, касбий маҳорати билан намуна бўлаётган қутқарувчилар сирасига Рамиз Алиходжаев, Саидаҳмад Набиев, Ёқуб Асадов, Зокир Одилов, Ботир Ражабоев, Жонибек Содиқов, Илҳом Сотволдиевларни қўшиш мумкин.

«Қутқарув хизмати»нинг фидойилари кеча-кундуз ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётгани, бундайин ҳалоскор ва нажоткор инсонлар борлиги учун ҳам юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда.

Хуснияхон ТОЖИБОЕВА.

Тўйга тўёна

ҲАРБИЙЛАР КЎМАГИДА ҲАШАР

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Шу муносабат билан шаҳардаги ҳар бир кўча ва хиёбонларда янги иншоотлар қуриш, боғу роғлар яратиш ишлари амалга оширилаяпти. Жумладан, Самарқанднинг юраги ҳисобланган Регистон майдони ёнидаги «Руҳобод» дам олиш масканида ҳам қурилиш ишлари жадал суръатда давом этмоқда.

Ушбу дам олиш маскани қурилишида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ҳам фаол иштирок этиб, ободонлаштириш, кўчат ўтқазиб, боғ яратишда жонбозлик кўрсатишаяпти.

– Мен ҳам сафдошларим қатори қадимий шаҳарни ободонлаштириш ишларида ўз ҳиссамни қўшаётганимдан жуда хурсандман, – дейди билим юрти курсанти К. Камолов. – Ўйлайманки, ҳашар йўли билан қурилаётган ушбу дам олиш маскани ҳам тўйга муносиб тўёна бўлади.

А. ДАМИНОВ.

Дунё – кўҳна бешик

БУ ЕВРОПА, БУ ОСИЁ... КЕЛАЖАКНИНГ УМИД ЧЕЧАГИ

(Еттинчи мақола)

Мен гапни Осиё ўйинларидан бошлаган эдим. Агар эсингизда бўлса, унда иштирок этган 45 та мамлакатлар орасида қўлга киритилган медаллар сони жиҳатидан Хитой биринчи ўринни эгаллаган эди ва шарҳловчилар тўғри таъкидлаганларидек, ушбу давлат вакилларининг спорт соҳасидаги бундай фаоликлари мусобақалар тарихида биринчи марта кузатилди. Бу мамлакатдаги ривожланиш ва ўзгариш жараёнларидаги юқори суръатлар фақат спорт билангина чегараланиб қолмайди. Энг қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлган мазкур мамлакат кейинги йилларда ҳамма соҳаларда улкан ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Биргина ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик ўсиш кўрсаткичи ўртача 9 фоизни ташкил этади. Бу давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида жаҳон сиёсатида ўз ўрнида мустаҳкам турибди. Хитой илмий-техник имкониятлари нуқтаи назаридан ҳам дунёнинг илғор давлатларидан бирига айланди. У бошқа мамлакатларнинг ёрдамисиз, халқ хўжалигининг энг мураккаб тармоғи – космонавтика соҳасини яратди ҳамда ҳақли равишда бу йўналишда ўзаро рақобатчи бўлган томонлар – АҚШ ва Россия Федерацияси давлатлари сафидан ўрин олди. Ҳозирги пайтда Хитой ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради, иқтисодчилар эса бу соҳада унинг яқин вақтлар ичида учинчи ўринга кўтарилишини башорат қилишаяпти. Ижтимоий ва иқтисодий мазмундаги бундай ўзгаришларни Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Айтайлик, кейинги бир неча юз йил давомида ижтимоий-иқтисодий ва диний муаммолар қуршовида қолган дунёнинг улкан мамлакатларидан бири – Ҳиндистон ҳам ўзининг иқтисодий ва илмий-техникавий ютуқлари билан жаҳонни ҳайратга солаяпти. Қизиғи шундаки, аҳолисининг каттагина қисми ишсиз, қашшоқ ва бошпанасиз бўлган бу мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 7 фоизни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасида ҳам умумтараққиётдан орқада қолмаслик учун ҳамма имкониятлар мавжуд бўлиб, кейинги йиллардаги ютуқларимиз бундан далолат бериб турибди.

Европа давлатлари ва умуман Европа Иттифоқи сиёсатида АҚШнинг таъсирини сезиш қийин эмас. Бу қитъанинг ҳамма масалаларда Америка билан узил-кесил бир хил фикрлашига ўтиб кетишига ҳозирча ўзларининг тарихий ўзига хосликларини сақлаб қолишга интилаётган икки мамлакат – Франция ва Германия монелик қилмоқда, холос.

Африка эса, аксинча, табиий, сиёсий, демографик ва иқтисодий талотўплар олдида ўзининг ожизлигини намойиш қилиб қўйди. Бу ўлканинг табиий заҳираларидан истаганича истеъмол қилишга ўрганиб қолган Ғарб унга ҳар томонлама ёрдам беришга кўпам ошиқаётгани йўқ.

Яқин Шарқ, – деб ёзади сиёсатшунос Вадим Дубков, – инсониятнинг Африкадан кейинги иккинчи катта муаммосидир. Унинг «кўҳна дунё»нинг учта қитъаси ўзаро туташган минтақада жойлашганлиги эса муаммони янада чигаллаштиради. Бу зиддиятни ҳал қилиш нуқтаи назаридан энг катта ваколатга эга бўлган БМТ ўз фаолиятида турли хил ташқи таъсирларга дуч келаяпти. Европа Иттифоқи, НАТО ва катта саккизлик давлатлари шундай сиёсий кучлар сирасига киради. Улар кўпинча халқаро муаммоларни ҳал қилишда БМТга муқобил кучлар сифатида йўл тутишга ҳаракат қилишадики, бу ҳол мавжуд муаммони ҳал қилиш ўрнига, кўпинча янги зиддиятларни юзага келтиради. Ҳозирги вақтда сиёсий адабиётларда, мулоқотларда фаол муҳокама қилинаётган ҳамда БМТни ислоҳ қилишга қаратилган интилиш ва истакларини мана шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин.

Агар умумий Евроосиё материгига диққат билан назар ташласангиз иккита муҳим жиҳат эътиборингизни тортади. Булардан биринчиси – табиий захиралари тобора тугаб бораётган ривожланган Европа ва минерал хомашё бойликлари мўл-кўл, бироқ иқтисодиёти нисбатан кам тараққий этган Осиё ўртасидаги ўзига хос зиддият; иккинчиси шундан иборатки, Европа ҳозирги аҳволга етишиши учун ундаги давлатлар эллик йил саъй-ҳаракат кўрсатишиб, Европа Иттифоқи тимсолида тобора бирлашиб бораяпти. Осиё давлатлари эса ўзаро шартномалар ва ташкилотлар воситасида бирлашишга, ҳамкорликка интилишаётган бўлишса-да, улар орасида мавжуд бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий ва диний тафовутлар туфайли қитъанинг ҳеч бўлмаганда яқин ўн йилликлар ичида қандайдир бир якдил ижтимоий-иқтисодий тузилмага айланиш эҳтимоли жуда кам. Маълумки, яқинда Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти Евроосиё ҳамкорлиги ташкилоти билан қўшилди. Мазкур шартномага қўшилиш мамлакатимиз олдида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги истиқболларини очади. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлигида қатнашиш минтақа ва минтақалараро даражаларда интеграция жараёнларининг жадал ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бу ўринда гап, энг аввало, Эркин савдо маконини яратиш, кейин эса Божхона Иттифоқини вужудга келтириш ҳақида бормоқда.

Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги – аввало, иқтисодий ташкилот. Ҳозирги ҳолатини ҳисобга олганда, бу ташкилот 200 миллиондан кўпроқ аҳоли яшаётган 20797 минг квадрат километрли йирик ҳудудни ўз ичига олади. Баъзи бир сиёсатшуносларнинг фикрларича, бу иккала қитъа – Европа ва Осиё ўртасидаги зиддиятларни юмшатишда ҳамда уларни ўзаро яқинлаштиришда Россия катта имкониятларга эга. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўзининг геосиёсий мавқеига ва тарихий анъаналарига кўра Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон Осиё учун шундай бирлаштирувчилик ролини бажариши мумкин.

Мен мулоҳазаларимни Осиёнинг буюк фарзанди – Жавоҳарлал Нерунинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчиман: «Бутун дунёнинг нигоҳи Осиёга қаратилган, чунки ҳар биримизга аён – келажакнинг қандай бўлишида Осиёнинг ўрни бўлакча».

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ, доцент.

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

НЕЖЕНСКИЕ ИСТОРИИ ЖЕНСКОЙ КОЛОНИИ

(Продолжение. Начало в предыдущем номере).

Поселили ее в трехэтажном особняке, огороженном глухим забором. Ее успокаивали, что скоро появится работа и вообще многие коммерсанты работают и зарабатывают деньги подобным образом. Ей вообще не о чем беспокоиться. Позже она кляла себя за то, что сразу не пошла в полицейский участок, согласившись войти в незнакомый ей дом. Но в сложившейся ситуации ей все казалось временным недоразумением, которое скоро разрешится, и она вернется в Узбекистан.

В комнате дома, где ее поселили, единственными украшениями были тощие матрацы, расстеленные вдоль стен, и тускло горящая лампочка, сиротливо болтающаяся под серым потолком.

В один из дней в комнату вошли двенадцатилетняя девочка и молодая женщина. Бросившись им навстречу, словно именно они были теми, кто мог разрешить сложившуюся ситуацию, она стала скороговоркой рассказывать о том, что произошло с ней. Рассказывала, не ведая, что они звенья одной и той же цепи, которой ее опутали в Ташкенте.

Они же, слушая ее, молча кивали головами. Выговорившись, она немного успокоилась, когда незнакомая ей женщина спокойным голосом сказала на узбекском языке, что она из Узбекистана, уточнив, что девочка из Ташкента. Из Узбекистана, значит, свои. Считая их своими, не могла сдержать слез. В расспросы о том, как они оказались в Пакистане, не вдавалась, задавая вопрос: «Как выбраться из чужой страны?» В обуревающих эмоциях не обратила внимания на то, что ее собеседница давала уклончивые ответы, чаще произнося: «Все мы в руках Аллаха».

Ситуация не менялась в течение многих недель. В один из дней ей сказали, что отправят в Ташкент при условии, что она наденет пояс «шахидки». Женщина, услышав эти слова, потеряла сознание. Когда пришла в себя, наотрез отказалась от предложения, называя это безумием, а тех, кто ей это предлагал, безумцами. Собственно после этих слов и начался один из самых сложных для нее этапов. На требования вернуть ее в Ташкент звучали пустые обещания, чередующиеся с угрозами наказать за отказ от «шахидства» и увещаниями именем Бога выполнить его.

Шли дни. Точнее, они тянулись изнурительным ожиданием, что что-то должно измениться. Ожидание нарушалось пятиразовыми молитвами в присутствии все той же двенадцатилетней девочки и женщины по имени Сурая. Это потом, уже на следствии летом 2004 года, она узнала, что фанатичная Сурая незадолго до их встречи в Пакистане отбывала срок заключения в Узбекистане за антиконституционную деятельность. Потом попала под амнистию, вышла на волю и исчезла. Как она оказалась в Пакистане и какова ее сегодняшняя судьба – это уже другая история, которую мне трудно комментировать из-за собственного неприятия тех, кто сегодня отбывает срок заключения и кого я при всем желании никогда не смогу именовать женщинами и мужчинами. Не смогу потому, что на их руках кровь тех, кого они вели и подталкивали к смерти.

В истории моей собеседницы Сурая была ее главным мучителем, физически внушающим необратимость совершения террористического акта в Ташкенте. Мастер побоев, чередующая их с обязательными пятиразовыми молитвами, которые она читала вкрадчиво монотонным полушепотом. Таким же вкрадчивым и растворяющим сознание, как тусклый свет постоянно горящей лампочки, висящей под потолком все в той же ненавистной ей комнате с крохотным окном.

К окну она изредка подходила, чтобы взглянуть на небо. Кого она видела в волнистых контурах плывущих по небу облаков? Этот вопрос своей собеседнице я не задавал. Но у меня нет сомнения, что, глядя на облака, она думала о родных ей людях, питая надежду, что происходящий с ней кошмар когда-нибудь завершится. Эти надежды, при всей их зыбкости, спасали сознание от пучины мрака, в которую пыталась ввергнуть ее мучительница и ее не менее фанатичная двенадцатилетняя «ассистентка».

В нашей беседе я не уточнял многих подробностей из тех дней жизни своей собеседницы, понимая, какую душевную боль доставляют ей любые уточнения. Особенно остро почувствовал это, когда она протянула мне свою правую руку и тихо произнесла:

ПОЗЖЕ ОНА КЛЯЛА СЕБЯ ЗА ТО, ЧТО СРАЗУ НЕ ПОШЛА В ПОЛИЦЕЙСКИЙ УЧАСТОК, СОГЛАСИВШИСЬ ВОЙТИ В НЕЗНАКОМЫЙ ЕЙ ДОМ.

«За мою непокорность Сурая сломала мне пальцы».

А я, глядя на них, подумал, что ей еще повезло. Повезло потому, что ее систематические избиения, чередующиеся с молитвами и внушением о необходимости совершения акта «шахидства», не приправлялись наркотиками, как это нередко делали некоторые коллеги Сураи в Узбекистане.

О том, как это вершилось, я уже рассказывал в одном из своих очерков, опубликованных в 2005 году. Малообразованные во всех отношениях дегенераты, не имеющие права считать себя мусульманами, экспериментировали над восьмилетним ребенком, готовя его с помощью психотропных средств в смертники. Один из изуверов подорвал себя 31 марта в Ташкенте. Остальные, опущенные в общественном представлении о них до уровня животных, сегодня отбывают сроки справедливого длительного лишения свободы. Многие, знающие эту дикую, бесчеловечную историю, надеются, что преступники не имеют шансов на амнистию.

Беседуя с женщиной, я нередко задавался вопросом, который так и не решился произнести вслух: «Почему ее не ликвидировали в Пакистане после отказа совершить в Ташкенте террористический акт?»

Уж после беседы с ней, работая над материалом, понял – это не произошло не изза чувств гуманности в сердцах тех, кто был повязан между собой ее вербовкой, вовлечением в свою среду, последующей отправкой в Иран и переправкой в Пакистан. Скорее оттого, что главные сценаристы этой схемы к тому времени были или уничтожены, или арестованы в Узбекистане, а те, кто отвечали за ее психологическую подготовку к «шахидству» за рубежом, просто не рискнули ликвидировать ее в чужой стране.

Проще было оставить в живых, но лишить любой возможности вернуться на родину. Каким образом? Выдать замуж после внушения ей, что возвращение грозит обязательным арестом и годами лишения свободы не только за нарушение визового режима, но и причастности к деятельности нескольких женщин-боевиков, совершивших в Ташкенте террористические акты, повлекшие за собой не только их смерть, но и гибель безвинных людей. Мысль о невозможности возвращения в Ташкент из-за угрозы ареста ей активно внушали. Внушая, сделали предложение.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Намерение сохранить перемирие

Вооруженные палестинские группировки заявили о намерении сохранить перемирие в секторе Газа. Одновременно они выдвинули требования со своей стороны, заявив, что ракетные обстрелы Израиля могут возобновиться, если он не прекратит военные операции на Западном берегу Иордана. Соответствующее послание передал израильской стороне египетский посредник, передает ИТАР–ТАСС.

Арабские страны создали комиссию

Арабские страны создали совместную рабочую группу, которая займется выработкой программы по использованию атомной энергии в мирных целях. Об этом говорится в заявлении, принятом по итогам заседания в Каире арабских министров, курирующих вопросы электроэнергетики в своих странах. Речь идет о развитии мирного использования атомной энергии и разработке соответствующей общеарабской программы.

Вывод войск должен состояться

Проигнорировав угрозу президента США применить право вето, палата представителей конгресса США одобрила законопроект о выводе американских войск из Ирака не позднее апреля 2008 года. Законопроект поддержали 218 конгрессменов, 208 членов палаты голосовали «против». Белый дом недоволен решением палаты представителей США.



Готовятся теракты

Глава международной террористической организации «Аль-Каида» Усама бен Ладен жив и готовит серию крупных терактов в Ираке и Афганистане, сообщил один из лидеров афганского исламистского движения «Талибан» Мулла Дадулла. Отмечается, на протяжении нескольких месяцев Бен Ладен не делал никаких видеообращений, в результате чего появились слухи о том, что он мертв.

WTO

Новые санкции Евросоюза

Евросоюз объявил о введении с 1 мая против Соединенных Штатов дополнительных торгово-экономических санкций в виде увеличенных таможенных тарифов на 32 вида американских товаров. В частности, на 15% повышаются сборы на ввозимые в Евросоюз из США бумагу, пластик, ряд видов текстиля, спортивную обувь и разборные дома. Нынешний шаг является ответной мерой на существующую в США практику компенсации местным производителям потерь от демпинга.



Переговоры по ядерной проблеме

Секретарь Высшего совета национальной безопасности Ирана Али Лариджани завершил в Анкаре двухдневные переговоры с верховным представителем ЕС по вопросам внешней политики и безопасности Хавьером Соланой. Во встрече принял участие глава турецкого МИДа Абдулла Гюль. После переговоров Лариджани сообщил, что Иран и ЕС достигли «схожих взглядов» по некоторым аспектам переговоров по ядерной проблеме Тегерана.



Испытания крылатой ракеты

В США проведены испытания крылатой ракеты «Tomahawk Block III». Пуск был произведен в Атлантическом океане с атомной подводной лодки «Connecticut» (SSN-22), сообщает сайт Defense Aerospace. Особенность этой ракеты в том, что она оснащена системой наведения на цель на основе GPS– это позволяет более точно поражать выбранные объекты. «Tomahawk Block III» пролетела более тысячи километров и попала точно в намеченную цель. Отклонение ракеты на основе GPS не превышает одного метра.



Грант Хаккет в реанимации

Легенда австралийского плавания, многократный чемпион мира и Олимпийских игр Грант Хаккет, находящийся в Китае с рекламной поездкой, был в тяжелом состоянии госпитализирован в одну из больниц Пекина. Как сообщает ИТАР–ТАСС со ссылкой на местные СМИ, врачи констатировали у него серьезное заражение крови, вызванное бактериями, уничтожающими кожные ткани. В настоящее время медики не берутся делать каких-либо прогнозов. По оценкам специалистов, Грант Хаккет нуждается в экстренном переливании крови.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Напутствие чемпиона

ЛЮБИТЕ И ЗАЩИЩАЙТЕ РОДИНУ

В конференц-зале Центрального совета Общественного движения молодежи «Камолот» состоялась встреча военнослужащих Ташкентского гарнизона и активистов движения с чемпионом мира по профессиональному боксу Русланом Чагаевым.

С праздничным настроением, с букетами цветов пришли на встречу курсанты военных училищ и юные поклонники великого спортсмена. Каждый будущий офицер мечтал лично встретиться с чемпионом, пожать его «железную» руку. Бурной овацией встретили курсанты Руслана Чагаева. Представивший чемпиона заместитель министра культуры и спорта Эркин Кутибаев сказал, что Узбекистан с древних времен известен непобедимыми палванами, отважными богатырями. С первых дней независимости Узбекистана наши спортсмены своими победами прославили его на весь мир. Сегодня ярким примером этому является празднование великой победы Руслана Чагаева в борьбе за звание сильнейшего боксера в мире среди супертяжеловесов.

Наша военная молодежь от всей души болела за Руслана Чагаева, его победа порадовала всех, и поэтому активность зала была велика. Больше всего курсантов высших военно-образовательных учреждений интересовали вопросы подготовки Руслана к ответственному бою, что помогло ему выдержать огромную психологическую нагрузку. Чемпион ответил, что в нашей стране уделяется огромное внимание развитию спорта и узбекская школа бокса с первых дней независимости имеет в мире большой авторитет. Немаловажную роль в его психологическом настрое сыграла поддержка и вера в него болельщиков Узбекистана. Тысячи поклонников, знакомые, а порой и совсем незнакомые люди желали ему успеха, говорили, что весь Узбекистан болеет за него, уверен в его успехе. «Я не мог подвести своих соотечественников, – сказал боксер, – и поэтому настрой был только на победу».

Защитников Родины интересовали дальнейшие планы чемпиона. Руслан ответил, что на сегодня соперник пока не определился. Надо отдохнуть, восстановить спортивную форму, пройти реабилитационный период, и тогда вновь можно будет с успехом защищать цвета национального флага Узбекистана на боксерском ринге.

В ходе беседы с военнослужащими и призывной молодежью Руслан Чагаев подчеркнул, что воспитание гармонично развитого молодого поколения стало одним из приоритетных направлений государственной политики Узбекистана. Массовое привлечение молодежи к спорту дает каждому шанс добиться высоких результатов. «На моем месте, – сказал чемпион мира, – может оказаться каждый из вас, если он приложит максимум усилий, настойчивости, трудолюбия в достижении цели».

Встреча молодежи с новым чемпионом мира супертяжеловесом Русланом Чагаевым стала еще одним подтверждением того, что наш народ никому ни в чем не уступит. Чемпион мира, вдохновленный теплой встречей с военнослужащими, оставил для читателей «Ватанпарвара» свой автограф. Как говорили участники, напутствие героя ринга воодушевляет их на новые достижения в спорте, учебе, воинской службе, общественной работе, поможет каждому осуществить свои планы и мечты.

Соб. инф.

Фото Александра МРУЧАКА

Многоборье

ВПЕРЕДИ – ХОЗЯЕВА ЧЕМПИОНАТА

В спортивном комплексе СВВАКИУ в эти дни проходит чемпионат войск Министерства обороны по многоборью военно-спортивного комплекса.

Когда номер был готов к подписи, завершились соревнования по подтягиванию и бегу на 100 м. В результате упорных и захватывающих состязаний по этим видам определились победители и призеры.

В первой возрастной группе в сумме двоеборья лидирует капитан Туйгун Таджиев, второе место завоевал сержант Авазбек Рысбеков и третьим стал капитан Акмаль Абдуразаков.

Во второй возрастной группе, как и ожидалось, победил майор Ульян Тимофеев, вторым призером стал сержант Шукурулло Норов и третье место у рядового по контракту Гиесиддина Фазылова.

В третьей возрастной категории в лидерах – младший сержант Шоир Меликов. Второе и третье место соответственно завоевали младший сержант Азамат Юсупов и капитан Игорь Бобомуродов.

По результатам суммы двоеборья в общекомандном зачете лидируют хозяева соревнований – представители СВВАКИУ.

Наш корр.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари

АСЛ ЎҒЛОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Самарқандда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 16 та жамоа беллашди.

Мусобақа Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилди. Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Республика «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Гулрух Агзамова, СОҲАҚМБЮ офицери Шуҳрат Юсупов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси офицери Раимқул Қандимовлар иштирокчиларни мусобақанинг вилоят босқичига етиб келганлари билан қутлаб, уларга омад тилашди.

Умумий натижаларга кўра, барча шартларда яхши кўрсаткичга эришиб, юқори балл тўплаган Самарқанд қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Ҳумо» жамоаси 1-ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўринга Оқдарё педагогика касб-ҳунар коллежининг «Ёш аскарлар» ва Каттақўрғон тиббиёт коллежининг «Амир Темур авлодлари» жамоалари сазовор бўлишди.

Учинчи ўринни эса Қўшработ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Жасорат» ҳамда Пастдарғом қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Шунқорлар» жамоалари қўлга киритишди.

Шунингдек, «Энг яхши мерган» номинациясига Оқдарё педагогика касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси Комил Сафаров сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчиларининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ОПРЕДЕЛЕНЫ ПОБЕДИТЕЛИ И ПРИЗЕРЫ

Недавно учащиеся старших классов Республиканского специализированного лицея города Ташкента участвовали в военно-спортивных соревнованиях «Шункорлар».

Сразу же после открытия спортивного праздника компетентные члены жюри оценивали прохождение команд торжественным маршем и исполнение ими строевых песен. Особенно острая и интересная борьба развернулась в преодолении полосы препятствий.

Продемонстрировали свои знания учащиеся и по общественно-политической подготовке.

Таким образом, в общекомандном зачете победителем был признан военно-спортивный коллектив 10-го «Ж» класса под руководством А.Рахматуллина. Вторыми призерами соревнований стали учащиеся 10-го «В» класса. А на третьей позиции оказалась команда учащихся 10-го «А» класса.

Лазо ВАЛИЕВ,
преподаватель начальной допризывной подготовки молодежи Республиканского специализированного лицея.

Бокс. Региональный чемпионат мира

НА ВЫСШЕЙ СТУПЕНИ – АРМЕЙЦЫ УЗБЕКИСТАНА

Обратимся к хронике событий. 15 апреля в германском городе Штутгарте Руслан Чагаев стал чемпионом мира по профессиональному боксу. За несколько дней до этого знаменательного события узбекистанские мастера кожаной перчатки, в основном составе которых выступали армейские боксеры, завоевали на престижном Международном турнире «Кубок короля Таиланда». Не прошло и двух недель, и вновь радостное известие. Теперь из столицы Украины Киева – здесь сразу девять армейских спортсменов стали победителями и призерами регионального чемпионата мира среди военнослужащих.

За годы независимости армейские спортсмены внесли и продолжают вносить значительный вклад в копилку побед узбекистанских спортсменов на международной спортивной арене. Они завоевали множество медалей различного достоинства на чемпионатах Азии, Азиатских играх, чемпионатах мира и Олимпийских играх. Не менее успешно выступают армейские боксеры на чемпионатах мира среди военнослужащих, Всемирных военных спортивных играх, проходящих под эгидой Международного военного спортивного совета.

Ярким доказательством тому является первое общекомандное место в VII региональном чемпионате мира среди военнослужащих, проходившем недавно в Киеве. Надо отметить, что его участниками стали спортивные делегации из 25 стран.

Наши атлеты, продемонстрировав высокое спортивное мастерство, проявив волю и мужество к победе, завоевали 6 золотых, 2 серебряные и 1 бронзовую медали.

Победителями турнира стали мастера спорта международного класса старший лейтенант Дильшод Махмудов (69 кг), рядовые по контракту Туляшбой Данияров (54 кг), Бекзод Хидиров (60 кг), а также мастера спорта члены спортактива МХСК Абдугафур Умаров (57 кг), Аббос Атаев (81 кг) и Ильер Гулямов (91 кг).

Серебряные награды – в активе спортсменов МХСК Рафика Султанова (48 кг) и Сардора Абдуллаева (+91 кг). Бронзовую медаль завоевал спортсмен МХСК Джахонгир Суванкулов (64 кг).

– На чемпионате в Киеве нашим ребятам противостояли очень сильные соперники, – говорит старший лейтенант Дильшод Махмудов. – Но мне и моим одноклубникам удалось сломить их сопротивление и в упорных поединках одержать победу. Эти соревнования являются как бы подготовительным этапом к чемпионату Азии, который состоится в июне. В этих соревнованиях вместе с нами приняли участие и молодые спортсмены, у которых большое спортивное будущее. Самое главное, у них есть огромное желание и твердая армейская воля на трудном пути к будущим победам.

Надо отметить, что нашей армейской сборной по боксу удалось обойти многие сильнейшие команды. И узбекистанская команда по праву поднялась на высшую ступень пьедестала почета.

Все это говорит о том, что у армейских атлетов высокий спортивный потенциал. И они еще не раз будут побеждать на спортивных форумах.

Э. МУХИТДИНОВ.

Интервью

ГЛАВНЫЕ СТАРТЫ ВПЕРЕДИ

На днях армейские боксеры под руководством старшего тренера сборной МХСК капитана команды мастера спорта международного класса майора Уйгуна Сиддикова с победой вернулась с регионального чемпионата мира среди военнослужащих, завоевав первое место среди 25 стран-участниц.

Во время торжественной встречи в аэропорту майор У.Сиддиков ответил на вопросы корреспондента «Ватанпарвара».

– Во-первых, примите наши поздравления с победой. Как вы оцениваете выступление наших атлетов?

– Самую главную задачу, я считаю, армейские боксеры выполнили с честью. Я доволен выступлениями всех атлетов. Ведь участие в киевском турнире является плановой подготовкой к главным стартам года – ко Всемирным военным играм. В общекомандном зачете мы одержали победу. Это значит, что мы в плане подготовки ко Всемирным военным играм на правильном пути.

– Кстати, чем объясняется отсутствие на данном чемпионате Эльшода Расулова, а Дильшод Махмудов «залез» в 69 кг?

– Эльшод Расулов на недавнем турнире «Кубка короля Таиланда» получил травму. Поэтому мы ему дали возможность восстановиться. Что касается Дильшода Махмудова, то для него эти соревнования являются как бы «проходящими». Потому Дильшод специально «потяжелел» на этом турнире. К тому же нам необходимо было проверить молодого перспективного спортсмена МХСК Джахонгира Суванкулова, который выступал в весе 64 кг – в прежнем весе Махмудова. «Бронза» Суванкулова говорит о многом.

– Намечаются ли еще какие-нибудь соревнования до Всемирных военных игр, которые состоятся в октябре нынешнего года?

– Ближайшие крупные состязания мастеров кожаной перчатки будут проходить в июне. Это чемпионат Азии. Думаю, что и здесь армейские атлеты в составе сборной Узбекистана скажут свое веское слово.

Майор Х. НУРИТДИНОВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

НИЯТЛАРИ ЭЗГУ ЎҒЛОН



Мустақиллик сабаб, келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларимизнинг имкониятлари янада кенгайди. Қалбида Ватанига, халқига нисбатан меҳри баланд ҳар бир ўғил-қиз бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Юртимиз равнақига, унинг обод бўлиб, гуллаб-яшнашига, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келишмоқда.

Қуролли Кучларимиз сафларига кўплаб малакали мутахассислар, етук офицер кадрлар етказиб бераётган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Баҳодир Ҳусанов ҳам ана шундай эзгу ниятли ёшларимиздан биридир.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилиб вояга етган ўғлон қалбида бу шарафли касбга бўлган қизиқиш анча ёшлигида пайдо бўлган.

– Ҳар бир боланинг ўз ширин орзуси, хаёли бўлади, – дейди қаҳрамонимиз. – Болалигимда ҳарбийлик касбини яхши англамасам-да, ўртоқларимиз билан икки-уч гуруҳга бўлиниб аскар-аскар ўйинини ўйнардик. Шундай вақтларда ўзимни ҳақиқий посбондек ҳис этардим. Тарихий китобларни, айниқса, Спитамен, Широқ, Алпомиш, Гўрўғли ҳақидаги асарларни кўпроқ мутолаа қилардим. Ўшаларга ўхшаб мен ҳам бирор-бир қаҳрамонлик, жасорат кўрсатишни ўз хаёлимда орзу қилардим.

Ҳа, орзуга айб йўқ, дейдилар. Беғубор болаликнинг ширин орзуси Баҳодир муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган кезларида рўёбга чиқди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда оператор вазифасида хизматини бошлаган ўғлон қисқа вақт ичида командирлар эътиборига тушади. Унинг интилувчанлиги, интеллектуал салоҳияти, ташаббускорлиги ҳарбий жамоада ўз ўрнини топишида катта ўрин тутган. Ўз вазифасига биноан жанговар навбатчиликни ўтаётган Баҳодир радарда номаълум жисм пайдо бўлганини ўз вақтида кўриб зудлик билан тезкор навбатчига хабар беради. Ундан зарур топшириқни олган ўғлон аниқ ва тўғри ҳаракат қилиб, ўз маҳорати ва билимини намоён қилади. Энг асосийси, хавфни бартараф қилишда жасорат кўрсатади. Муносиб хизмат юксак баҳоланди. Президентимиз Фармонига биноан оддий аскар Баҳодир Ҳусанов «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Ўша дамларни хотирлаб, Баҳодир шундай дейди:

– Хавфни сезганим заҳоти, ўзимда қандайдир куч пайдо бўлганини англадим. Ақлим ҳам яшин тезлигида ишлади. Офицер ва сержантлардан олган пухта сабоқларим катта ёрдам берди. Навбатчи штурманга номаълум жисм ҳаракат қилаётган йўналиш координатини маълум қилдим. Бу вазифа анча юксак салоҳият талаб қилади, посбондан. Шунинг учун бу жасоратни нафақат ўзимники, балки бутун жамоаники, деб биламан.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Баҳодир Ҳусанов ҳозирда олий ҳарбий билим юрти курсанти. Бежизга қаҳрамон бўлмаганини бу ерда ҳам намоён қила олди. У ҳақида офицерлар ҳам, сафдошлари ҳам фақат илиқ сўзларни айтишади.

– Курсант Б.Ҳусанов бўлажак офицерларимиз сафида ўзини ҳар томонлама кўрсатаётган, ҳарбий билимларни пухта ўзлаштириб, эзгу ва юксак мақсадлар сари олға интилаётган ёшларимиздан биридир, – дейди взвод командири капитан Алишер Каримов. – Унга ҳар қандай вазиятда ишонса, суянса бўлади. Ишончим комилки, у Қуролли Кучларимиз сафларида муносиб хизмат қилиб, офицерлик мақомини янада юқори кўтаради.

Бугунги кунда Баҳодир каби мард ва жасур ўғлонларимиз оз дейсизми? Улар талайгина. Уларнинг энг олий мақсадлари – она Ватанга муносиб фарзанд бўлиб, маҳоратли юрт посбони бўлиб, эл-юрт корига камарбасталикдир.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.
Капитан Зафар ШАКАРОВ суратга олган.

Новости компьютерных технологий

УЗБЕКИСТАН – КОМПЬЮТЕРНАЯ ДЕРЖАВА

В Национальном пресс-центре Узбекистана состоялась официальная церемония награждения победителей образовательных конкурсов акции «Весеннее обострение-2007». Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOKOM при Узбекском агентстве связи и информатизации назвал лучших представителей молодежи, осваивающей просторы Интернета.

Обращаясь к приглашенным гостям, заместитель генерального директора УзАСИ А. Ходжаев отметил важность развития информационных технологий для экономического развития страны, подчеркнул роль общественно-образовательной сети для развития молодежных информационных ресурсов. В Узбекистане создаются все условия для удовлетворения информационных потребностей, стимулирования и поддержки творческих инициатив молодежи.

Затем были названы победители конкурсов по номинациям «Сайт школы», «Сайт вуза», «Независимый проект», «Уроки информатики», «ИТК в преподавательской деятельности», «ИТК для совершенствования учебного процесса», «Телевикторина» и «Карточка учебного заведения». Благодаря активному участию молодежи во всех номинациях число активных пользователей Интернет-сетью в нашей стране стремительно растет. Сегодня Узбекистан смело можно назвать компьютерной державой.

Победители, участники и гости церемонии награждения провели круглый стол, где были обсуждены вопросы организации и проведения новых акций Центра UZINFOKOM для дальнейшего повышения популярности ИКТ среди молодежи и населения страны в целом.

Аброрходжа ЕСХОДЖАЕВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Таниқли шоир Аҳмад Хўжанинг мазкур шеъри анъаналаримизга садоқат руҳида ёзилган. Унда тарихимиз ва мумтоз сиймоларимиздан ифтихор, Ватан мустақиллигидан ғурур, унинг келажагига ишонч, шунингдек, муҳаббатга ошно қалбнинг руҳий кечинмалари ўзига хос йўсинда тараннум этилган. Шоирнинг бу самимияти, ғурур ва ифтихори сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Озодликка интилдинг талпингандек офтобга,
Бу кун нурга чўлғанган гўзал бўстон муборак.
Асрий орзу-армонлар чиқмиш энди рўёбга,
Бошинг узра мусаффо, тиниқ осмон муборак,
Халқим, сенга ҳур Ватан – Ўзбекистон муборак!

Эрк йўлининг машаққат, синовлари кўп бўлди,
Замонларнинг турфа хил алдовлари кўп бўлди,
Элнинг нажот истаган нидолари кўп бўлди,
Сен учун кўкси қалқон қизу ўғлон муборак,
Халқим, сенга ҳур Ватан – Ўзбекистон муборак!

Шоҳимардон тоғлари туманлидир, қорлидир,
Ўзбекнинг фарзандлари садоқатли, орлидир,
Юртига тоғдек таянч – ғурурли, виқорлидир,
Келажакка йўл олган улуғ карвон муборак,
Халқим, сенга ҳур Ватан – Ўзбекистон муборак!

Булоқ суви бунчалар оби замзам бўлмагай,
Она диёр меҳридек дилга малҳам бўлмагай,
Ўзбегим бу дунёда ҳеч қачон кам бўлмагай,
Дориломон замонда давру даврон муборак,
Халқим, сенга ҳур Ватан – Ўзбекистон муборак!

УМЕТЬ ЦЕНИТЬ ВРЕМЯ

Алексей Анохин – студент 3-го курса факультета журналистики НУУ.

По окончании 9-го класса общеобразовательной школы был зачислен в Республиканский колледж олимпийского резерва (РКОР). В 2004 году ему присвоено звание мастера спорта по плаванию.

– Алексей, скажи, пожалуйста, почему ты выбрал плавание как вид спорта?

– В детстве я часто болел. И родители, посоветовавшись с врачами, отвели меня в бассейн. Через некоторое время я научился плавать. Постепенно, благодаря регулярным тренировкам, мой организм закалился, и я просто влюбился в плавание. Это увлечение привело меня в Республиканский колледж олимпийского резерва. Затем на протяжении нескольких лет я становился чемпионом города, а потом и республики в своей возрастной категории.

– Как ты пришел в журналистику?

– Всегда нравилось слушать комментаторов различных спортивных мероприятий. Меня это завораживало и уводило в центр событий. Вот и поставил перед собой цель – стать спортивным комментатором. Для этого, конечно, одного желания маловато. Поэтому я выбрал профессию журналиста.

– Что, кроме учебы, в твоем распорядке дня?

– Уже год работаю тренером по плаванию в спортивно-оздоровительном комплексе. Занятие очень интересное, поскольку есть возможность общаться с маленькими детьми, которых у меня сейчас 10 человек.

– Значит, приходится быть и педагогом?

– Да. И без этого не обойтись. К каждому из них требуется индивидуальный подход. В зависимости от ситуации использую различные методы.

– Как ты везде успеваешь?

– Никакого секрета нет. Главное – научиться управлять своим временем. Если составить себе четкий режим дня, то всегда можно уложиться в заданные сроки. Только благодаря конкретному плану действий человек достигает задуманной цели.

– А чем занимаешься в свободное время?

– Его у меня почти нет. Но если выдастся минута, стараюсь ознакомиться с последними новостями по периодике, Интернету, чтобы быть в курсе событий. И потом, это напрямую связано с моей будущей профессией журналиста.

– Какие планы на будущее?

– Прежде всего – достойно защитить честь университета и стать призером на предстоящей Универсиаде, которая пройдет в Ташкенте. Ну а затем успешно окончить университет и стать профессионалом своего дела. А самая главная и заветная мечта – отслужить в рядах Вооруженных Сил Узбекистана, исполнив тем самым свой долг перед Родиной.

Беседовал Аброр АКБАРОВ.

Хотиралар яшайди мангу,
Юракларга қувват берар у.
Аждодларни доим ёд этмоқ,
Инсонга хос энг гўзал туйғу.

ДЎСТЛИК

Ривоят қилардиларким, ўтган замонда бир қарға мушук билан дўст бўлиб қолибди. Улар ўрмондаги бир дарахт тагида ҳар куни учрашиб, узоқ-узоқ суҳбатлашар экан. Бир куни шундай гаплашиб ўтиришган маҳал узоқдан бир қоплоннинг ўзлари томонга қараб келаётганини кўриб қолишди. Қарға пир этиб учиб дарахтнинг энг юқори шоҳига қўнди. Мушук эса нима қилишини билмай дарахтга тирмашди. Зўр-базўр дарахтнинг энг паст шоҳига чиқиб олиб, барглар орасига яширинди ва қарғага зорланиб:

– Дўстим, ҳалокат остидаман, сенинг ёрдамингга муҳтожман, бир илож қилиб мени бу ҳалокатдан қутқар, – деди. Ўша дарахтга яқин ерда чўпонлар юрган эдилар. Қарға учиб бориб чўпонларнинг итларидан бирининг бошига қаноти билан урди. Итлар қарғани тутиб олиш учун югурдилар. Қарға учиб бориб ерга қўнди, итлар эса қарғани яна қувлаб кетдилар. Шундай қилиб, қарға уча-уча итларни мушук яширинган дарахтнинг ёнига бошлаб келди. Қоплон эса бу пайт дарахт тагида мушукни ейишни мўлжаллаб турган эди. Итлар қоплонни кўра солиб, бирдан унга ҳужум қилишди. Қоплон тумтарақай бўлиб қочди, итлар унинг орқасидан қувлаб кетди. Шундай қилиб, қарға топқирлик билан дўсти мушукни ҳалокатдан қутқарди. Ҳисса: – Ҳақиқий дўст бошга мушкул иш тушганда синалади.

Қуролли Кучлар хизматчиси Рўза Давлетмуратова илмга чанқоқ, интилувчан ва тиришқоқ қизлардан.

Мумтоз ва чет эл адабиётини, илмий журналларни мутолаа қилишни хуш кўрувчи доимий рукнимизнинг бу галги меҳмони инсоннинг ички гўзаллигини ташқи, ўткинчи ҳуснидан устун қўяди. Инсон руҳиятини, турли характерларни ўрганиш унга ўзгача завқ бағишлайди.

Шунингдек, спорт билан шуғулланишни ҳам канда қилмайди. Баскетбол ўйнаш бобида эса, дугоналаридан эпчиллиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради.

Ҳа айтганча, Рўзада янгича таомлар тайёрлашга бўлган қизиқиш ҳам жуда кучли.

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 16-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:
ЭНИГА: Қозоғистон, Аёл, «Рамаяна», Тонна, Майор, Сиҳмола, Фарқ, Рига, Шоён, Риони, Лаъл, Кама, Қанд, Ёғ, Раҳбар, Ор, Илм, Ион, Топишмоқ, Умида, Нафс, Рисола, Аср, Қадр, «Ан», Ядро, Тутун, Ёш, Уюшиқ, Мусо, Ола, Дўст, Новелла, Пи, Достон, Иш.
БЎЙИГА: Марварид, Замбарак, Боят, Сеанс, Олмахон, Нишона, Аён, Он, Айвон, Номзод, Қиём, Голсуорси, Икар, Араби, Нақш, Ари, Нард, Филармония, Нам, Қорақалпоғистон, Тоат, Трап, Шасси, Шарқ, Опал, Оқ, Асвон, Ер, Унумдор, Ўт, «Ёрилтош».

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ШИРИНТОЙ

«Масхарабоз» бошқотирмаси.
Ушбу сўзларни суратдаги бўш катакларга тўлдириб чиқинг ва бўянг.
ғоз, акса, азоб, олам, сабо.



Кўнгилга ташриф

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Суҳбатдош ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, Жамила Шермуҳаммедова 1950 йил 18 июнда Бухоро вилояти Қоракўл туманида туғилган. 1967 йил ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирда ЎзМУ) тарих факультетининг фалсафа ва ҳуқуқ бўлимини тугатган. 1972 йилдан ҳозирга қадар ушбу университетнинг фалсафа факультети политология кафедрасида фаолият юритади. Фалсафа фанлари номзоди, доцент Жамила опа фақаттина талабаларга дарс бериш билан чекланиб қолмаган. У бундан ташқари, Ўзбекистон ҳуқуқшунос аёллар жамоа бирлашмасининг ижрочи директори, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида эксперт ҳамда Тошкент шаҳар Тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамиятининг маслаҳатчиси сифатида иш олиб боради. Қисқача айтганда, ғайрату шижоатга тўла бу инсон ўз ҳаётини жамиятдаги аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлаган, деса бўлади.

– Жамила опа, бугунги кунда жамоат ишларида аёллар фаолияти қай даражада деб айта оласиз?

– Менинг назаримда, мустақиллик аёлларимизга кенг йўл очиб берди. Мен буни хизмат юзасидан республикамизнинг турли гўшаларида бўлганимда ўз кўзим билан кўрдим, ҳис қилдим. Тиниб-тинчимас, меҳнаткаш аёлларимиз аждодларимиздан мерос а нъаналарни давом эттириб, уларни ривожлантириб келишмоқда. Масалан, Бухорода бўлганимда битта маҳалладаги зардўз аёллар ўзаро ҳамкорликда зардўзчилик корхонасини юритишаётганини кўриб, тўғриси хурсанд бўлдим. Улар иқтисодий жиҳатдан оиласига кўмаклашиш баробарида момомерос Бухоро зардўзчилигини давом эттиришаётган эди. Бундай ишбилармонликни Сурхондарё каштачилиги ёки Фарғона атласчилиги, дўппидўзлигида ҳам кузатишимиз мумкин. Аёллар уйда ўтирган жойида иш билан банд бўлиб, беназир санъат асарларини яратишмоқда. Фарзандларига ҳунар ўргатишмоқда. Қолаверса, корхонага раҳбарлик қилиб, ён-атрофидагиларни иш билан таъминламоқда. Кечаги аёллардан бугунги замонавий аёллар кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бугун аёл уйда фарзанд учун она, эр учун севимли рафиқа, корхонада эса раҳбар. Мустақиллик шарофати билан аёлларнинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланди.

– Юртпарвар, миллатпарвар ўғлонлар тарбиясида аёлнинг, онанинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?

– Юртни севиш, Ватанни ардоқлаш ҳунарни севишдан бошланади. Чунки киши ўзи қилган ҳунари орқали озгина бўлса-да юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. Бунга тўқувчи, ҳунарманд, кулол, хуллас, ишлаб чиқарувчини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Аёлнинг мукаммаллиги бу Ватаннинг мукаммаллигидир. Оила орқали жамиятда тутган ўрнининг мукаммаллиги шаклланади. Шу нарсани яхши англашимиз керакки, оилада ҳар томонлама бекаму кўст тарбия олган фарзанд, ҳеч қачон ёмон йўлга кирмайди, Ватанига хоинлик қилмайди. Аксинча юртнинг ҳар бир қарич ерини қадрлайди.

– Маълумки, сиз асосан хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайсиз. Кейинги пайтда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотда қандай ижобий ишлар амалга оширилмоқда?

– Ўзбекистон ҳуқуқшунос аёллар жамоа бирлашмасининг фаолият юрита бошлаганига энди етти йил бўлган эсада, бу қисқа давр ичида жуда кўплаб ишларни амалга оширдик. Эътибор берган бўлсангиз, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилги қарори бўйича аёлларнинг иқтисодий мавқеини ошириш бўйича жамиятнинг маъмурий-хўжалик, ташкилотчилик йўлларида раҳбарлигини оширишга алоҳида эътибор берилган бўлса, 2004 йил 25 майдаги қабул қилинган қарорида ҳам биринчи навбатда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эътиборда турган биринчи масала бўлди.

Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлашда бизнинг ташкилот анча дадил қадам ташламоқда. Оилаларда мавжуд муаммоларни мутахассисларимиз ўз ўрнида бартараф этиб келяпти. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга маслаҳатлар бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Нега деганда, оила ташвишларидан ортиб, аёл учун тадбиркорлик қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аёлдан метиндек ирода талаб қилинади. Айни пайтда тадбиркор аёллар учун бизнинг ташкилотимиз ниҳоятда қўл келмоқда.

– Маълумотларга қараганда, кейинги пайтда ёш оилалар ўртасида ажралиш ҳоллари кўп кузатилаётган экан. Ёшларимиз мустаҳкам оила қўрғонини бунёд этишда нимага кўпроқ эътибор қаратишлари лозим?

– Айни пайтда бизнинг ташкилотимиз Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Ёшларни оилаларга тайёрлаш» клубларини ташкил қиляпмиз. Яқинда яна шундай семинар-тренинглардан бирини Бўстонлиқ туманидаги «Олтин олма» дам олиш сиҳатгоҳида ўтказдик.

Оилада қачон жанжал бўлади? Қачонки, эр-хотиндан бирови бекорчи бўлса. Агар улар фойдали меҳнат билан машғул бўлса, турли хил муаммоли вазиятларга тушишмайди.

Кейинги пайтда Хотин-қизлар қўмитаси билан оилаларда муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам ўрганиб бораяпмиз. Буни қарангки, муаммоларнинг ҳаммаси ҳам моддий эҳтиёжга бориб тақалмас экан. Уларнинг аксарияти маънавий қашшоқликка бориб тақалмоқда. Агар ота-она оилада фарзандларига тўғри тарбия бериб, уларга намуна бўла олса, бундай муаммолар ўз-ўзидан бартараф бўлган бўлар эди.

– Сиз хориж сафарларида ҳам кўп бўлгансиз. У ерда ёшлар тарбиясига эътибор қай даражада?

– Хизмат сафари билан 50 дан ортиқ давлатда бўлиб, у ерда аёллар ва ёшлар ҳаётини ўрганишга ҳаракат қилдим.

Эътиборлиси, ўтган йил Шотландиянинг Глазго университетида талабаларга Ўзбекистон ҳақида маъруза қилишимга тўғри келди. Маърузани якунлаб қайтаётганимда, факультет декани талабалар олдида менга юзланиб, «Биз ўзбекистонлик олимамиздан учта хислатни ўргандик. Биринчиси ўзининг миллий кийимини ғурур билан кийиши, иккинчиси, қўлини кўксига қўйишдек ахлоқий мезонни, учинчиси, ҳар бир маърузасининг бошида «бизнинг Ўзбекистонимиз», дея она юртидан ғурурланишини. Бундан кейин биз ҳам бу нарсаларга эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўларди», дея таъкидлади.

Европада ёшларни мустақил ҳаётга эрта тайёрлашади. Масалан, ота-она маош олиб келгач, «Мана бу бизнинг маошимиз. Биз бу пулларни бир ой давомида қуйидагича тақсимлаймиз», деб ҳар бир эҳтиёж учун қанча пул сарфланишини фарзандларига ёшлигидан ўргатиб боришар экан. Биз ҳам бу фазилатни ўзимизда татбиқ қилсак, фойдадан холи бўлмасди. Чунки шунда бола отаси тер тўкиб топган пулнинг қадрига етади.

– Аёл, қолаверса, она сифатида аёлнинг қадрини янада баланд кўтариш учун эркакларимиз нима қилиши керак, деб ўйлайсиз?

– Аёл ҳақиқий аёл бўлиб қолиши учун эркак мард, кучли бўлиши керак. Буни кўриб турган аёл номардлик қилолмайди. Тўғри, бугун аёл тадбиркорлик билан шуғулланаяпти, раҳбарлик лавозимида ўтираяпти. Оиладаги ижтимоий муносабатлар нима бўлади, деб ўйлаётгандирсиз. Тадбиркорлик, раҳбарлик ўз йўлига лекин аёл уйида она эканлигини унутмаслиги керак. Агар аёл олдидаги ҳамма вазифани ўз ўрнига қўйса, албатта, уни эркак қадрлайди, керак бўлса, бошига кўтаради. Чунки жуда кўпчилик эркаклар билан суҳбатлашганимда, мартаба учун эмас, балки оилам, уйим, эрим, дея талпинадиган аёлни хуш кўришини таъкидлашди. Лекин бу талабни чиройли, инсоний муносабатда ҳал қиладиган бу аёлнинг ақли, тафаккуридир.

– Маълумки, ҳозирда юрт осойишталигига камарбаста бўлаётганлар сафида хотин-қизларимиз сони ҳам ортиб бормоқда. Уларга тилакларингиз...

– Яқинда ҳарбийлар даврасида бўлиб, семинар-тренинг ўтказиш жараёнида ҳарбий ўқитувчи аёллар билан мулоқотда бўлдим. Тўғрисини айтсам, ҳарбий либосдаги ўзбек аёлини кўриб ғурурландим. Бу бизнинг қонимизда бор. Масалан, Тўмарисни олинг. Ўзининг жасорати билан етти иқлимни лол қолдирган. Бугун эса ўша буюк момоларимизнинг авлодлари миллий армиямиз сафларида хизмат қилишмоқда. Ўз оиласидан вақт ажратиб, юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётган аёллар жасоратига қойил қолиш керак.

Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Хотира

СОҲИБҚИРОННИ ЁД ЭТИБ

Буюк аждодларимиз ва улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш мақсадида ҳарбий қисм ва муассасаларда маданий-маърифий кечалар, анжуман ва учрашувлар ўтказиш анъанага айланган.

Ана шундай адабий кечалардан бири офицер Акбарали Усмонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб ўтди.

Амир Темур таваллудига бағишланган ушбу тадбирда халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминовлар иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди:

– Юртимииз довруғининг бутун дунёга таралиши, бунёдкорлик, фаровон ҳаёт ва маданиятнинг гуллаб-яшнашида улуғ бобоколонимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг хизматлари беқиёсдир. У аввало моҳир саркарда, кучли давлат арбоби сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Ваҳоланки, унинг ҳали очилмаган қирралари, ўрганилмаган жиҳатлари кўп. Амир Темур буюк ижодкор, бунёдкор, илм-фан ва маданият ҳомийси ҳамдир. У барпо этган боғлар, қурдирган иморатлар юрт тараққиёти йўлида қилган ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, унинг саркардалик маҳорати, ҳарб илмини пухта эгаллаганини қўлга киритган ғалабаларидан ҳам билиш мумкин. Биз бугун ана шундай инсоннинг авлодлари эканлигидан фахрланса, арзийди.

Саҳнага буюк саркарда сиймосини яратган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминовнинг чиқиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги куй ва қўшиқлар эса барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу адабий кечада иштирок этган ҳарбий хизматчилар Амир Темур ҳақида етарлича маълумотга эга бўлдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

БОБУРШОҲНИНГ БУГУНГИ АВЛОДЛАРИ

Пойтахтда фаолият кўрсатиб келаётган Лаъл Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият марказининг икки мамлакат маданий алоқаларини ривожлантиришда салмоқли ҳиссаси бор. Марказ турли маданий тадбирларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Мазкур маданият марказида «Бобурийларнинг бугунги авлодлари» деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирни марказ директори жаноб В.Васудеван очиб берди. Жаноб В.Васудеван Бобурийларнинг Ҳиндистон тарихида тутган юксак ўрнига алоҳида урғу бериб ўтди.

Мустақиллик туфайли тарихимизга, аждодларимизга холисона, ҳақиқат кўзи билан қарала бошланди. Бой маданий меросимиз, қадриятларимиз тиклана бошлади. Ўзбек тадқиқотчиси Зайниддин Мавлонов номи эҳтимол кўпчиликда ҳеч нимани англатмас. Мамлакатимиз ҳурлик кунларига эришгач, у ҳам ўзи ҳақида, боболари ҳақида баралла айта оладиган, биз билмаган кўплаб тарихий маълумотлардан юртдошларимизни баҳраманд қилиш шарафига муяссар бўлди. Бу инсон Ҳиндистоннинг сўнгги ҳукмдори Абу Зафар Баҳодир шоҳнинг чевараси бўлиб, замон талотўпларидан омон қолган буюк сулоланинг юртимиздаги вакилидир.

Тадбирда унинг бобурийларнинг бугунги авлодлари ҳақидаги ғоят қизиқарли, илмий исботини топган маълумотларга асосланган маърузаси тингланди. Бу ерда ҳозир бўлган ёзувчи Дадахон Нурий, шоира Умида Абдуазимова, моҳир таржимон Амир Файзулло ва бошқа яна қатор зиёлилар Бобур ва бобурийлар шаҳсига доир ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбирда қардош мамлакатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюрдилар.

И.НОДИРШОҲОВА.

Маданий ҳордиқ

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида муҳим сана ҳамда байрамлар муносабати билан ташкил этиладиган турли хил кўнгилочар тадбирлар, юбилейлар, олимлар ва қалам аҳли иштирокидаги учрашувлар, ижодий кечалар мазмун ва моҳияти жиҳатидан ранг-баранглиги, бир-бирини такрорламаслиги билан ажралиб туради. Бунинг учун офицерлар саройи раҳбарияти, маданий-оммавий ишлар бўлими ходимлари тинмай изланадилар, елиб югурадилар. Чунки инсон қалбига яхшилик уруғини сочиш, ҳаётга, яшашга муҳаббат уйғотиш, юртнинг фидойи кишиларидан ибрат олишдан муҳимроқ иш бўлмаса керак.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиш кунларини кўнгилли ўтказиш мақсадида ташкил этилган бу галги учрашув ҳам иштирокчилар кўнглини қувончга тўлдирди. Чунки ижодий учрашув меҳмони халқимиз суйган санъаткор, «Мирзо» сатира театри актёри Валижон Шамсиев бўлди. Валижоннинг саҳнага чиқишини иштирокчилар қарсаклар билан кутиб олдилар. Беихтиёр барчанинг юзига табассум югурди.

Қизиқарли учрашув аввалида сўз устаси Валижон Шамсиев санъатга кириб келиши, кино ва театрдаги ранг-баранг роллари, уларни ижро этиш жараёни, суратга олиш пайтидаги қизиқарли воқеалар, «Мирзо» театрининг келгуси режалари ҳақида гапириб берди, томошабинларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

– Ҳаётни, одамларни севишим санъатга кириб келишимга сабаб бўлди, қолаверса, ижодий муваффақиятларимда устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Холметовнинг ўрни беқиёс, – деди Валижон ўз сўзида.

Савол-жавоблардан сўнг севимли санъаткор ўзининг ичакузди ҳангомалари, актёрлик, спортчилик маҳорати билан қатнашчиларнинг олқишларига сазовор бўлди. Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандаси Зафарбек Бобожонов ва раққоса қизларнинг чиқишлари кечага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Ижодий учрашув сўнгида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғининг ўринбосари подполковник Содиқжон Ортиқов Валижон Шамсиевга томошабинлар номидан чуқур миннатдорчилик билдириб, унга эсдалик учун совғалар тақдим этди.

– Мен Валижонни фақат сўз устаси ва актёр сифатида таниридим. Унинг ота-онани қадрлаш, ҳаётни севиш, Ватанни ҳимоя қилиш, аёлларни ардоқлаш борасидаги кўнгилга яқин фикрларидан инсонийлик, қамтарлик, шеъриятга ошнолик каби хислатларини ҳам кашф этдим. У кишининг ижоди санъатсевар халқимиз қалбидан янада чуқурроқ жой олишига тилакдошман, – дейди тадбир иштирокчиси Зулфия Усмонова.

Кўп гапларим ҳазилдир,
Юрагимда пок ният –
Ўғил бола Ватанга
Хизмат қилмаса уят.
Бу дунёда кўп экан
Ҳар хил йўлу йўриқлар,
Эр йигитга битта йўл –
Ўз Ватанин қўриқлар!

Одатда қизиқчи деганда кўпроқ кишилар қалбини шодликларга тўлдирадиган, тўй тантаналарда кўнгилочар аскиялари билан кулги улашадиган санъат аҳлини тушунамиз. Мен бугун Валижоннинг юқоридагидек ҳазилга йўғрилган, пок ниятлар акс этган сатрларини тинглаганимда инсон қалбини забт этиш, уни яхшиликларга ундашдек хайрли ишни кундалик шиорга айлантирган санъаткорларни ҳам маълум маънода осойишталигимиз посбонлари дейишимиз мумкин, деган фикрга бордим.

Жамила ҒАНИЕВА,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи.





НОТАНИШ

Фильм номининг ўзиёқ томошабиннинг эътиборини ўзига жалб қилувчи муҳим жиҳат. «Давр-S» студиясининг тиниб-тинчимас ижодкорлари суратга олаётган янги картинанинг номидан ҳам, унинг бошқа фильмларга ўхшамаслигини англатиш мумкин.

Сценарийнавис ва режиссёр Ёлқин Тўйчиев ўзининг оригинал мавзулари билан ўз ўрнини яратишга интилаётган ижодкорлардандир. Унинг «Нотаниш» деб номланган янги фильми жанр сифатида ҳам ўзига хос. Ҳаётда бўлгани каби бу фильмда қувонч ва армон, умид ва йўқотишлар мавжуд. Фильмнинг ечими қандай бўлар экан, дея қизиқаётгандирсиз. Бир-бирига кўнгил қўйган йигит ва қиз реал инсонларми ёки руҳларми? Томошабин воқеалар бошидан ана шу саволларга жавоб излайди. Чунки «Нотаниш» фильмида мистика элементлари ҳам йўқ эмас. Ҳозирча фильм қандай якун топишини ошкора қилмаймиз. Буни томошабин фильмни кўрганда англаб олади. Фақат шуни айтишимиз мумкинки, қинодаги бош қаҳрамон Жаббор образини кейинги пайтда кўпчилик ёшларнинг кўнглидан жой олиб бораётган истеъдодли ижодкор Жаҳонгир Позилжонов талқин қилган. У аслида хонанда бўлсада, актёрлик қобилияти ҳам йўқ эмаслигини бир қатор фильмларда намойиш этиб улгурди.

Ушбу картинада Жамол кўнгил қўйган нотаниш қиз образига дебютант актриса Гулнора Қосимова таклиф этилди. Картинада характерли, эсда қоладиган персонажлар жуда кўп. Бу ролларни Раъно Ярашева, Зуҳра Ашурова, Фарҳод Абдуллаев каби профессионал актёрлар ижро этишди.

– Ота-оналар ҳар доим ҳам балоғат ёшидаги фарзандининг қалбига қулоқ тутавермайдилар, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра Ашурова. – Мазкур фильмда фарзанд ва ота-она ўртасидаги инсонийлик туйғулари акс эттирилган. Мен фильмда шундай бефарқ она қиёфасини яратдим. Тўғрисини айтсам, менинг характеримга тўғри келмаганлиги учун бу образни яратишда анча қийналдим.

– Мени фильмга таклиф қилишганида, иккиланиб-иккиланиб рози бўлдим, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Абдуллаев. – Сценарийни ўқиганимдан кейин афсусланмаслигимни англаб етдим. Чунки кинонинг 50 фоиз муваффақиятини сценарий таъминлайди.

Шундай қилиб, режиссёр Ёлқин Тўйчиев ҳамда оператор Абдувоҳид Ғаниев ҳамкорлигида яратилаётган мазкур янги асар ҳадемай катта экранларда намойиш этилади.

Сейман НАЗАРОВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-3580. Адади 25060.